

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ ВА ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 895,1/.9

ББК: 83,3 (5 Вье)

А-15

АБДУРАШИДОВА НОЗИМАХОН ХАБИБУЛЛАЕВНА
“ЯНГИ ДАВР ВЬЕТНАМ ҲИКОЯНАВИСЛИГИНИНГ
ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ”
(XX асрнинг 1-ярми)

5A120201 – Адабиётшунослик мутахассислиги

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

ф.ф.д., проф. Р.У.Ходжаева

Аннотация

Ушбу магистрлик иши Янги давр вьетнам ҳикоянавислигининг шаклланиши унинг ўзига хос бўлган жихатлари, бадий жихатдан янгиланиш ва такомиллашиш моҳиятларини, умуман вьетнам адабиётида янги ҳикояларнинг тутган ўрни, уларнинг ривож ва тараққиётини ўрганишга бағишланган.

ТОШКЕНТ – 2013

Магистрлик диссертацияси ҳимоя қилинишига рухсат этилди.

Магистратура бўлими
бошлиғи

ф.ф.н., Сайдазимова У.Т.

Мундарижа :

Кириш	4-12
1-боб. Вьетнам адабиётида янги типдаги ҳикоянинг вужудга келиши	
1.1. XX аср бошида Вьетнам воқеълигида тарихий адабий муҳит.....	13-21
1.2. Фам Зюи Тон ижодида янги ҳикояларнинг шаклланиши ва ўзига хослиги.....	21-31
1-боб бўйича хулосалар.....	31-32
2-боб. Вьетнам адабиётида XX асрнинг 1930-1945 йилларда йўналишлар ва оқимлар	
2.1. 1930-1945 йилларда романтик ва реалистик йўналишлар кураши.....	33-41
2.2. Нгуен Конг Хоанг ва Нам Каоларнинг ижодида реалистик ҳикояларнинг ўзига хослиги.....	41-48
2-боб бўйича хулосалар.....	49-51
3-боб. Вьетнам ҳикоянавислигида 1950-1960 йиллардаги тамойиллар	
3.1. Қаршилик уруши йилларида Вьетнамда адабий муҳит.....	52-60
3.2. Янги давр вьетнам ҳикоянавислигининг 50- йиллардаги ривож.....	60-67
3-боб бўйича хулосалар.....	67-68
Хулоса.....	69-73
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	74-78

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Инсоният тарихидан маълумки, айнан бадиий адабиёт санъат турларининг ичида энг етакчи саналиб келган, умумжахон цивилизацияси ҳамда миллий маънавиятнинг шаклланиб, тараққий этишида катта аҳамият касб этган ва этиб келмоқда. XX аср бошларига келиб дунёнинг барча борлиқ нарсаларига бўлган муносабатларнинг ўзгаргани каби сўзга нисбатан ҳам қарашлар ўзгарди. Энди уни табиатга тақлид (Аристотель), объектив борлиқнинг субъектив ифодаси (Гегель), кишилар ўртасидаги фирк ва туйғу етказиш воситаси (Л.Толстой) деб билишлик билан чекланмай, сўзнинг коммуникатив имкониятларини биринчи ўринга олиб чиқишлар бўлди¹.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Инсон турли чегараларни тузади, аммо чегарани билмайди: Ғарбу Шарқда ҳам, Шимолу Жанубда ҳам у инсон манзараларини намоиш этаверади. Санъатнинг минтақаси чегарасиздир”², жумладан, миллий адабиёти тараққий этган ҳар бир халқнинг ютуқлари жахон миқёсида тез тарқалиб, эътиборларни ўзига жалб қилади. Шунинг учун ҳам юртимизда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб жамиятимизнинг барча соҳалари қатори мураккаб ва шонли тарихимизнинг ёрқин саҳифаларини, бугунги кун воқелигини, олийжаноб орзу-умидларимизни акс эттира олиш хусусиятига эга санъат соҳаси, хусусан, адабиётга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, халқ ва миллатнинг маънавий қадриятларини шакллантирувчи ҳамда таъминловчи асосларидан бири бадиий адабиётдир³.

Адабиёт ва санъат соҳасидаги ижод аҳлининг ғоявий-бадиий салоҳиятини комил инсон тарбиясига йўналтириш мамлакатимизда

¹ Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.- Б.11

² Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. -Т.: Ўзбекистон, 1994. 145 б.

³ Мухиддинова Д.З. Ж.Салим ҳикояларида бадиий тафаккур эволюцияси. Фил.фан.ном. ...дис.автореф. - Т.,2008.

устувор йўналишлардан биридир. Маънавият даставвал, санъат ва адабиётда объективлашади, моддийлашади, яъни унинг ранглари куйлари, ноталари, рақслари, оҳанглари, суратлари, сўзларида ифодаланади, такомиллашади, юксалади ва бир-бутун гўзаллиги билан ўзининг эгаси одамларни ҳайратга солади, покликка буркайди⁴. Инсон тафаккурини маърифат, яъни билим тобласа, инсоннинг руҳий дунёсини эса маънавият бойитади. Қушнинг икки қанотидек маърифатни маънавият бирлаштириб, ҳар томонлама етук инсонни дунёга келтиради ва танитади. Шундай экан, ҳам ақлан, ҳам маънан баркамол инсон турмушнинг турли жабҳаларида, жумладан, маданий-адабий ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишлар, ўз миллий меросимизга ва жаҳон халқлари меросига, бир қатор мамлакатларда кечаётган адабий жараёнларга янгича қараш ва адабий ҳодисаларга ҳолис баҳо беришга қодирдир. Шу сабабли юртимизда маданий, маърифий ва маънавий соҳаларга алоҳида эътибор қаратилган ва бу соҳалар илғор тараққий этмоқда. Инсоният ва маънавият ўзаро алоқада, ўзаро таъсирда бўлар экан, улар иккиси бирлашган ҳолда бутун бир жамият ҳаётини воқе қилади, унинг моҳияти ва фаолиятини таъминлайди. Ана шу мураккаб дунё ёзувчи онгида акс этади ва унинг сўз воситасидаги ифодаси – бадий асар бўлиб туғилади. Бадий асарнинг эса иккита муҳим хусусияти бўлиши талаб қилинади: бири асарнинг юқори бадийлиги бўлса, иккинчиси ижодкорнинг самимийлиги каби омиллардир. Энг асосийси, адиб ўз асарида ҳақиқатан ўхшаш қилиб, бўлиши мумкин бўлган оламни яратади. Санъаткор ҳаётни асос қилиб олади, уни ўз салоҳиятига мослаб бичиб-тўқиб, қайтадан тикайди, ҳаётга монанд қилиб, тўқилган муболағадор бадий оламни яратади.

Таниқли рус шарқшунос олими В.Г.Белинский таъкидлаганидек, “Ҳайкалтарошлик инсон танаси шаклларининг гўзаллигини ифодалайди, инсон юзидаги фикрнинг бир онини, танадаги бир вазиятнигина тутиб

⁴ Умуров Х. Адабиётшунослик назарияси.-Т.: А.Қодирий номли Ҳалқ мероси нашриёти.,2004. Б.23

олади. У инсоннинг бутун сиймосини қамрай олмайди, балки инсоннинг ташқи шакллари билан чегараланади. Рассомлик санъати бутун инсонни, ҳатто унинг ички руҳий дунёсини ҳам ўз ичига олади. Аммо у ҳам ҳодисанинг фақат бир пайтини қамраш билан чегараланади. Мусиқа инсон ички дунёсини энг кўп ифода этувчидир. Лекин мусиқа ифодаляйдиган ғоялар товушлардан айрилмайди. Шеърят эса инсон сўзида ўз ифодасини топади. Сўз эса ҳам товуш, ҳам тасвир, ҳам аниқ ва равшан айтилган тасаввурдир”⁵.

Машҳур рус адиби Л.Толстой айтганидек, “Санъатнинг асосий мақсади инсон қалби ҳақидаги ҳақиқатни айтишдир”.⁶ Бадий адабиёт ҳам ана шу олий мақсадни сўз курали орқали амалга оширади. Унинг тасвир имкониятлари ниҳоясиздир. Ҳар бир ижодкор ўз шахсий ҳаёти тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ижод қилади, атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисалардан таъсирланган ҳолда образлар, сюжетлар яратади.

Бадий адабиёт халқлар ўртасидаги ўзаро узлуксиз адабий алоқаларсиз ривожлана олмайди. Бундай узвий адабий алоқалар ҳамда ўзаро адабий таъсирлар қадим тарихга бориб тақалади. Жумладан, ўзбек халқининг вьетнам дунёсига қизиқиши узоқ ўтмишдан бошланмаган бўлсада, ҳозирги кунда келиб икки давлат ўртасидаги адабий алоқалар ўз куртакларини ёзмокда.

XX асрга келиб янги Вьетнам адабиёти бир неча асрлик қолоқликдан сўнг ўзини тиклаб олиб, замон билан бирга олға қадам қўйишга ҳаракатлар қила бошлади. Янги давр Вьетнам адабиёти қисқа вақт ичида илдамлаб кетган Европа ва умуман жаҳон адабиёти ютуқлари билан танишиб, уни ўзлаштириб олишга, ўз миллий анъаналари, бой ва туганмас ҳазинасини қайтадан кўриб чиқиб, ўзлаштириб, миллий адабиётни юқори поғонага кўтаришга астойдил интилди.

⁵ Умутов Х. Адабиётшунослик назарияси.-Т.: А.Қодирий номи халқ мероси нашриёти.,2004. Б. 56

⁶ Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. Б.11

Вьетнам адабиёти ҳозирги кунга қадар ўзининг ёрқин намояндалари, эътиборга молик етук бадиий санъат асарлари билан китобхон, хусусан, Ўрта Осиё халқлари ўқувчилари диққат-эътибори ва ҳурматини қозониб келмоқда. Бундай асарлардан аксарияти Ўрта Осиёлик адабиётшунос олимлар, ёш илмий изланувчиларнинг тадқиқотлари объектига айланиб, улар томонидан бадиий ва илмий таҳлилга тортилмоқда.

Вьетнам адабиёти деганда “Вьетнам ҳикояси” атамаси муҳим аҳамият касб этади. Чунки, айнан Вьетнам ҳикоянавислиги ўзининг сермахсуллиги, ижодий метод ва йўналишларининг хилма-хиллиги ҳамда ижодкорлар услубининг ўзига хослиги билан ўз миллий хусусиятларини намоён қилади. Ҳар бир халқ адабиёти сингари Вьетнам адабиёти ҳам жаҳон адабиётида мавжуд илғор тамойиллардан ижодий баҳраманд бўлиб, илҳомланган ҳолда ўз миллийлиги, маънавий ва маданий қадриятларини, анъаналарию урф-одатларини эъзозлаб ривожлантиришга ҳаракат қилмода. Адабиий алоқалар фаол ҳаракат қилаётган шароитда ҳар бир халқ, ҳар бир миллат учун таъсирлар можаросида ўзлигини сақлаб қолиш ўта муҳим масаладир. Чунки ана шундай умумжаҳон адабий алоқлар таъсири натижасида Вьетнам ҳикоянавислигига Ғарбда пайдо бўлган адабий йўналишлар ва оқимлар бадиий тафаккур доирасида катта таъсир кўрсатди. Шу аснода XX аср биринчи ярмида ижод қилган Вьетнам ёзувчилари замонавий оқим ва бадиий ифода услубларидан оқилона фойдаланган ҳолда Вьетнам халқининг ўзига хос дунё қараши, миллий хусусиятлари, турмуш тарзи, қадриятлари ҳаттоки диний ўй-фикрларининг аҳамиятли жихатларига мутаносиб бўлган янги ҳикоя ва новеллалар яратдилар. Ана шундай янги тамойилларни яхши ўрганиб, ўзлаштирган, ўз ижодий фаолиятида кескин ўзгаришлардан унумли фойдаланган ёзувчилар саналмиш Фам Зюи Тон, Нгуен Конг Хуан, Нам Као ҳамда Нгуен Нгауклар Вьетнам ҳикоянавислигида ўзига хос янгича услубларга асос солдилар. Уларнинг асарлари ҳам шаклан, ҳам

моҳиятан ўзгариб янгиланди, ўзида янги йўналишлар ва оқимлар унсурларини намоён этди.

Мазкур магистрлик диссертациямиз Янги давр Вьетнам ҳикоянавислигининг шаклланиш ва ривожланиш тамойилларига асосланган бўлиб, унда биз XX аср бошларида Вьетнам ҳикоянавислиги, хусусан, Фам Зюи Тон, Нгуен Конг Хуан, Нам Као ҳамда Нгуен Нгаукларнинг ҳикояларидаги ўзига ҳос жиҳатларни ҳамда ёзувчилар ижодида янги йўналишларнинг белгиларини тубдан кўриб чиқишни ўз олдимизга олий мақсад қилиб қўйдик. XX аср бошларидаги тарихий адабий муҳит, ушбу муҳитда яратилган ҳикоялар олами билан танишиб чиқиб, XX аср бошларидаги ёзувчилар ҳақиқатан ҳам чексиз истеъдод соҳиблари, тафаккур олами кенг ва ўта маҳоратли ёзувчилар эканлигига яна бир қарра амин бўлдик. Чунки Янги давр Вьетнам ҳикоянавислигининг Вьетнам адабиёти тараққиётида тутган ўрни бениҳоя каттадир. Шундай бўлсада, XX асрнинг биринчи яримида ижод қилган ёзувчиларнинг адабий мероси, ижоди, хусусан, улар яратган янги ҳикоялар жиддий тадқиқот объекти сифатида танлаб олиниб ўрганилмаган.

Янги давр Вьетнам ҳикоянавислигининг шаклланиш ва ривожланиш тамойилларини ўрганиш бизга ўша давр, яъни XX аср биринчи яримида Вьетнам адабиётидаги ўзгаришлар, адабий жараёндаги янгиланишлар, анъанавий реализм ва романтизмнинг ўзгача тус олиши, янги кўринишлари ва тамойилларини аниқлашга, тушунишга, ҳамда уларни бир-биридан ажрата билишга ёрдам беради, адабий муҳитни тасаввур қилишга имкон яратади. Ўзбек вьетнамшунослигида янгилик сифатида, Янги давр Вьетнам ҳикоянавислигидаги бадиий тафаккурнинг ўзгача кўринишлари, унинг шаклланиш жараёнида турли йўналишларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг ўзаро кураши, янги ҳикоялардаги ўзига ҳос жиҳатларни ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш тадқиқотимизнинг *долзарблигини* белгилайди.

XX аср Вьетнам адабиётида ҳикоянависликка эътибор кучайиб, ҳикоя ва новелла жанрлари энг илғор ва ҳар томонлама аҳолига манзурлик жиҳатидан энг қулай жанрлар сирасидан жой олди. Ҳозирги кунга қадар бу жанрларда ёзувчилар самарали ижод қилиб келмоқдалар. Ихчам бўлсада, ўз ичига инсонни англаш, инсон табиати ва қалбининг тушунтириш қийин бўлган томонларини, сир-синоатларини тафтиш этиш, одамзод жумбоғи устида астойдил бош қотириш масалаларини қамраб оладиган бу икки бирига жуда яқин жанр одатдаги андозалардан воз кечиб, тўғрироғи йироқлашиб, янгидан янги ифодавий йўллар ахтариш билан ривожланиб бормоқда.

XX аср биринчи яримида Вьетнам адабиётида яратилган ҳикоялар ҳам ана шундай ўзига хос бетакрор услубда яратилган. Ҳикояларнинг барчаси инсон тақдири, оддий одамларнинг ҳаёти, инсоннинг табиат билан ҳамоҳанг равишда умр кечириши, ҳаёт сабоқлари ва синовлари, борлиқ ва жамият, ҳаёт учун кураш каби ўта муҳим ҳаётий масала ва муаммолар ўз аксини топар экан, ёзувчилар ижодининг тадқиқ этилиши бу жиҳатдан ҳам **долзарб** аҳамият касб этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражасига келадиган бўлсак, Ўзбекистонда ҳали Вьетнам адабиёти ҳали тўлиқ ўрганилмаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоғимиз лозим.

Янги давр вьетнам адабиёти, хусусан, XIX аср охирлари ва XX аср бошларида Вьетнамдаги адабий жараёнлар йирик рус шарқшунослари И.П.Зимонина⁷, Д.Деопик⁸, М.Матусовский⁹, М.Ткачовларнинг¹⁰ тадқиқотларида ёритилиган.

⁷ Қаранг. Литература Востока в новейшее время. М., изд.Московского университета 1977. Б. 534

⁸ Қаранг. Литература Востока в новейшее время. М., изд.Московского университета 1977. Б.534

⁹ Қаранг. Ўша асар, Б.534

¹⁰ Қаранг: Ўша асар, Б.534

Н.Никулин ва бошқа рус тадқиқотчилари Ўрта аср вьетнам адабиётини ўрганишда катта аҳамият касб этувчи илмий хулосалар қилганлар.

Шунингдек, бир қатор вьетнам тадқиқотчилари Янги давр вьетнам адабиёти бўйича ўз илмий изланишларини рус шарқшунослари раҳбарлигида олиб борганлар. Шулардан Ле Куй Донг, Нгуен Дин Тхи, Ву Чонгларнинг номлари яққол кўзга ташаланади.

Тадқиқотнинг мақсади Янги давр вьетнам ҳикоянавислигининг шаклланиши унинг ўзига хос бўлган жихатлари, бадиий жиҳатдан янгилашиш ва такомиллашиш моҳиятларини, умуман вьетнам адабиётида янги ҳикояларнинг тутган ўрни, уларнинг ривож ва тараққиётини ўрганиш бу хусусда яхлит ва чуқур изланишлар олиб боришдир.

Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун эса қуйидаги **вазифалар** белгиланади:

- XX аср биринчи ярмида Вьетнамдаги тарихий адабий муҳитни ўрганиб чиқиш;
- Замонавий Вьетнам ҳикояларининг шаклланиши ва ривожланишига туртки бўлган омилларни кўрсатиб ўтиш;
- Янги Вьетнам ҳикоялари асосчиси Фан Зюи Тоннинг ижодий йўлини унинг бадиий тафаккурига хос бўлган ижодий метод негизида ўрганиб баҳолаш, адибнинг фақат ўзигагина хос ва мос бўлган жихатларини аниқлаш;
- Вьетнам адабиётида XX асрнинг 1930-1945 йилларда йўналишлар ва оқимларнинг ўзига хосликларини кўрсатиб ўтиш;
- Вьетнам ҳикоянавислигида ўзини намоён этган романтик, реалистик йўналиш ва оқимларнинг миллий адабиётда мослашиш ҳамда ўзлаштирилиш жараёнларини ёритиб бериш;
- Вьетнам реалист ёзувчиларининг замонавий Вьетнам ҳикоянавислигида тутган ўрнини белгилаш.

- XX аср биринчи ярмида Вьетнам адабиётида ёрқин из қолдирган
- Вьетнам реалист ёзувчилари қаламига мансуб ҳикояларнинг ғоясини, унда кўтарилган муаммолар моҳиятини ёритиш ҳамда ёзувчилар қўллаган бадиий ифода воситаларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот ишидаги қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Янги давр вьетнам адабиётида яратилган янги типдаги ҳикоялар ушбу ишнинг объекти деб танланди. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, айнан янги типдаги ҳикояларнинг XX аср 1-ярмида вьетнам адабиётининг ривожигаги ўрни бекиёсдир.

Тадқиқот предмети. Янги давр вьетнам ҳикоянавислигининг вужудга келиши ва янги типдаги ҳикояларнинг шаклланиши, уларнинг услублари, мавзулар кўламининг кенглиги, ҳикоялардаги янгиликлар, уларнинг қайси оқим ва йўналишларда ёзилганлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш тадқиқотимизнинг предмети ташкил этади.

Тадқиқот манбалари. Тадқиқотга манба сифатида Рассказы вьетнамских писателей. Изд. Москва 1960, Литература Востока в новейшее время. изд. Московского университета 1977, Зимонина И.П. О просветительских тенденциях во вьетнамской новелле начала XXв –В кн.: Просветительство в литературах Востока. М., «Наука», 1973, каби китоблар олинди. Оригинал манба сифатида Phan Dang Nhat.: Van hoc sac dan toc thieu so viet nam– Ha noi 1981, Tong Tap Van Hoc Viet Nam. Nha xuat ban khoa hoc xa hoi – Ha noi 1980 каби ҳикоялар тўпламидан кенг фойдаланилди.

Илмий ишнинг методологик асосларини И.А. Каримовнинг миллий истиқлол мафкурасини яратиш, бой маданий меросимизни ўрганиш, асраш ва тарғиб қилиш борасидаги дастурий характердаги фикр-тавсиялари, шунингдек, тадқиқотчи И.П. Зимонина, Д. Деопик, М. Матусовский, М. Ткачовларнинг вьетнам адабиёти бўйича фикр-

мулоҳазалари, вьетнам тилидаги китоб ва материаллар, Вьетнамда йўналиш ва оқимларнинг юзага келиши ҳақидаги китоб ҳамда мақолалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, замонавий вьетнам ҳикоянавислигининг ёрқин намояндалари ва уларнинг яратган асарлари ҳозирги кунга қадар ўзбек шарқшунослигида махсус монографик тарзида ўрганилмаган. Мазкур тадқиқотимизда замонавий вьетнам ҳикояларининг ўзига хослиги, ҳикоялардаги кўтарилган масалалар, шакл ва бадиий жихатдан илк бор кенг кўламда таҳлил этилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий асослари. Ишда илк маротаба вьетнам тилидаги адабий манбалар тадқиқ этилди. Магистрлик диссертацияси материалларидан “Адабиёт”, “Жаҳон адабиёти тарихи”, фанлари ҳамда “Поэтика”, “Замонавий адабий оқимлар” каби махсус курслар бўйича ёзиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳар бир боб, ўз навбатида, иккитадан фаслларга бўлинган.

1-БОБ. ВЬЕТНАМ АДАБИЁТИДА ЯНГИ ТИПДАГИ ҲИКОЯНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

1.1. XX аср бошида вьетнам воқеълигида тарихий адабий муҳит

Вьетнам халқи бошқа Шарқ халқлари сингари қадим замонлардаёқ юксак тараққий этган маданиятга эга бўлган.

Шунингдек, Вьетнам халқининг оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб келган достон ва қўшиқ шаклларидаги бой фольклори бўлган.

Феодалларнинг жабр-зулмларига қарши доимий халқ ғалаёнлари, босқинчиларнинг бебошликлари ва янги ҳужумлар хавф-хатари Вьетнам халқининг оғзаки ижодида ўз ифодасини топган. Халқ ижодиётининг қаҳрамони ҳамма вақт ёвуз одамларга ва жинларга қарши курашиб келган баҳодир бўлган. Кўпинча бу баҳодир қаҳрамон камбағал-деҳқон образида тасвирланар ва сотқин-савдогар ёки ер мулкдорига қарама-қарши қўйилар эди.¹¹

Вьетнамликлар XIII асргача хитой ёзувидан фойдаланиб келганларлар.

Бу ёзув то XX асргача расмий қўлланилиб келинган. XII—XIII асрларда «ном» («оммабоп») деб аталувчи миллий ёзув майдонга келиб, дастлабки миллий адабиёт намуналари шу ёзувда яратилган эди. Кейинчалик Вьетнам ёзуви ҳозирги шаклдаги латинлаштирилган «*куок нгы*» ёзуви қабул қилингунча доимий равишда ўзгариб турган.¹²

XV асрда Вьетнам мустақил давлат бўлиб олгандан кейин сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан тез ривожланиш даврига кирди. Шу билан бир вақтда

¹¹ Рассказы вьетнамских писателей. Изд.Москва 1960г. Б.12

¹² Литература Востока в новейшее время. М., изд.Московского университета 1977. Б. 511

маданий юксалиш даври ҳам бошланди. Бу биринчи галда Вьетнам адабиёти ва санъатининг уйғониш ва ривожланишида кўринди.

Вьетнамнинг маданий ҳаётида XVII асрнинг ўртасида маърифатпарварлик ғояларини учратиш мумкин. Европалик миссионерлар саъй-ҳаракатлари билан яратилган вьетнам тилининг янги лотинлаштирилган «*куок нгы*» ёзувини тарқалиши бунга исботдир. 1651 йилда улар томонидан янги ёзувга асосланган уч тилдаги “Аннамит луғати” чиқарилган эди. Янги ёзув ҳали такомиллашган бўлмаганлиги сабабли фақат миссионерлик мактабларида тарқалган эди. Икки аср давомида унинг қўлланилиши фақат католицизмни тарқалиши билан боғлиқ бўлиб келган эди.

Вьетнам адабиёти XVIII асрга келибгина равноқ топа бошлади. Худди шу вақтда Вьетнам поэзияси ва прозасининг ажойиб намуналарида миллий адабий тил батамом шаклланди; кўзга кўринган қатор ёзувчи ва шоирлар майдонга келди.

Вьетнамдаги адабий тилнинг тарихи қўп қатламлиги билан ўзига хосдир. Хитой иероглификаси миллий ёзувни – «*тъи ном*» яратиш учун ўзлаштирилган эди. XVIII асрдан бошлаб *ханван* (*вэньян*нинг¹³ вьетнамлашган тури)даги адабиёт ва «*тъи ном*»даги адабиёт параллель тарзда ривожланиб келган. Миллий лотинлаштирилган «*куок нгы*» ёзувини осон ўрганишда кенг ва тез суръатда билимларни эгаллаш гарови тушуниларди. Янги ёзувни ўзлаштириш эса маърифатпарварлик ҳаракати билан узвий боғлиқ эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида иқтидорли тарихчи-олим, ёзувчи, таржимон, шарҳловчи, лингвист Чьонг Винь Ки¹⁴ (1837 – 1898) бошчилигидаги маърифатпарварларнинг бир гуруҳи янги ёзувни кенг тарғиб қила бошладилар. «*Куок нгы*» ёзувининг татбиқ этилиши китобхон

¹³ Вэньян – хитой адабий тили.

¹⁴ Никулин Н.И. Вьетнамская литература. Краткий очерк. М., «Наука» 1971г. С.76

аудиторияни анча демократлаштирган эди. «Тъи ном» ёзувига қараганда «куок нгы» ёзувини ўрганиш осон эди. Маърифатпарварлар адабиёт ва фольклорнинг машҳур ва кўзга кўринар «тъи ном»даги намуналарини «куок нгы»га транслитерация қила бошладилар. Шу даврда янги ёзувда вьетнам ва хитой классикасининг асарлари нашр этилган эди («Тўрт китоб», «Киеу», «Люк ван Тиен» ва бошқалар). Чыонг Винь Ки илк бор вьетнам китобхонини Ғарб адабиёти билан таништирди. 1856 йилда у «Лафонтен масаллари»ни шеър қилиб, 1887 йилда Фенелоннинг «Телемак саёҳати»ни «куок нгы»га таржима қилди. Чыонг Винь Ки «Француз-вьетнам луғати» (1884) ва «Вьетнам-француз луғати» (1887) муаллифи бўлган; француз тилида икки жилдли (1875 ва 1877) «Вьетнам тарихи»ни яратган эди.¹⁵

XIX асрнинг иккинчи ярмида французлар томонидан Ҳинди-Хитойнинг забт этилиши натижасида Вьетнам адабиётида тушкунлик юз берди. Мамлакатга бостириб кирган мустамлакачилар халқ санъатини оёқ ости қилдилар, ўзларининг маданиятларини ўрнатишга уриниб, Вьетнам халқ тилини таҳқирладилар. Бу ишда уларни реакцион давлат амалдорлари билан феодаллар қўллаб-қувватладилар. Бироқ илғор Вьетнам адиблари ҳар қандай қийинчиликларга қарамай миллий адабиётни ҳимоя қилдилар. Улар мустамлакачилик зулми шароитида ҳозирги замон Вьетнам адабиётининг пойдеворини қурдилар.

Вьетнамда XX асрнинг биринчи чораги – воқеаларга бой жўшқин давр эди.

Миллий озодлик ҳаракати монархиядан республика тизимига ўтиш ғоялари билан уйғунлашиб кетди. Буржуазиянинг ўзлигини англаш тамойиллари миллий чегараланиш доирасидан чиқиб кетиш ва маърифатпарварлик ҳаракати билан ҳамоҳанг бўлишни назарда тутган.

¹⁵ Литература Востока в новейшее время. М., изд. Московского университета 1977. Б. 512

Ўша йилларда Вьетнамда Сократ, Ифлатун, Аристотель, Бэкон, Декарт, Монтескье, Вольтер, Руссо, Дарвин, Адам Смит, Спенсерларнинг номлари илк бор эшитилди. Ташқаридан кириб келаётган ахборотнинг жуда катта оқими вьетнам жамиятининг дунёқарашини кенгайтирди, барча ижтимоий соҳалардаги ўзгаришларга, янгиланишларга интилишни уйғотди.¹⁶

XX аср бошида Вьетнамдаги маърифатпарварликнинг кенг ҳаракати таниқли олим, адабиётчи ва энциклопедист Ле Куй Дон (1726-1784)нинг номи билан боғлиқдир. У “Шуцзин” (“Тарих Китоби”)нинг таржимони ва шарҳловчиси, турли фалсафий, тарихий ва адабий асарлар муаллифи эди. Асарларининг орасида биринчи вьетнам энциклопедияси ва биринчи муаллифлик асари бўлмиш “Турли сўзларнинг энг баланд минораси” алоҳида ўрин тутган (Ле Куи Дон даврда асосан хитой энциклопедиялари ўкилар эди).

“Турли сўзларнинг энг баланд минораси” ўзига тўққизта фаслни олади: космогония, космография, география, тизимлар ва ўрнатилган нарсалар, адабиёт ва санъат, тил ва ёзув, китоблар, халқни бошқариш усули, табиат предметлари ва ижтимоий ҳодисалар ҳақида. Маълумотларнинг аксариятини Ле Куй Дон қадимги ва унга замондош бўлган хитой ва вьетнам манбаларидан олган эди. Шунингдек муаллиф жаҳон географияси бошланғич асосалари билан таништириб туриб, Минь сулоласи давридаги Хитойга сафар қилган католик миссионер Фердинанд Вербиестнинг “Ернинг географик таърифи” китобига ишора қилади.

Вьетнамда маърифатпарварлик ҳаракати миллий озодлик ҳаракати билан узвий боғлиқ бўлиб, ундаги иштирок этаётган арбобларнинг аксарияти миллий чегараланиш доирасидан чиқиб кетиб, таниқли маърифатпарварларга айланди. 1904 йилда биринчи бор Вьетнамда “Вьетнамнинг янгиланиш жамияти” (“Вьетнам зуи тан хой”)ни таъсис

¹⁶ Литература Востока в новейшее время. М., изд. Московского университета 1977. Б.512

этган Фан Бой Тяу (1868 – 1940)нинг сафдоши бўлмиш Фан Тю Чинь (1872 – 1926) халқнинг маърифатида унинг яшаш даражасини кўтарилишини кўрган эди. Фан Бой Тяу ёшларни Японияга ўқишга боришини даъват қилган эди; кейинчалик бу даъват “Донгзу” (“Шарққа”) номини олган ҳаракатга айланди. Фан Тю Чинь ўз мамлакатада таълимнинг янги европалик тизимини татбиқ этиш кераклигини ва ўргатиш жараёнида миллий лотинлаштирилган «куок нгы» ёзувига асосланишни таъкидлаган эди. Шу мақсадда Вьетнамнинг кўпгина вилоятларида мактаблар очилган эди, айниқса Куанг-наме вилаятида. Бу мактабларда «куок нгы»да табиий фанлар, арифметика, тарих ва адабиёт, ҳаттоки жисмоний тарбия ҳам ўргатилад эди. Мактаб дастуридан диний китобларни ўқиб, ёд олиш ва шеър ёзиш машқлари чиқариб ташланган. Ўқувчилар узун кийимларда эмас, балки европалик кийимларда, сочларини калта қилиб (кесиб ташлаб) келишлари талаб қилинган.

Ижтимоий фикр тарихида Ханойдаги 9 ой давомида фаолият кўрсатган “Тонкин ижтимоий мактаби” (“Донг кинь нгиа тхук”) кўзга кўринар ўринни эгаллаган эди (1907 – 1908). “Тонкин ижтимоий мактаби” «куок нгы»да ўз “Данг ко тунг бао” (“Қадим замон журнали”) газетасини нашр этган. Мактабда таълим уч тилда – вьетнам, хитой ва француз тилларида олиб борилад эди; георгафия, тарих, табиий фанлар ўргатилган. Ўқувчилар сони минг кишидан ортиқ эди; мактабнинг асосий мақсадларидан бири - «куок нгы»да дарсликларни тайёрлаш ва нашр этиш эди. “Тонкин ижтимоий мактаби” фаолларига мустамлакачилар ва ҳоинларга нисбатан мурасасиз муносабат, ўз ватанига севги-муҳаббат ва сиёсий, иқтисодий ва маданий қарамлик (тобелик)дан озод бўлишга интилиш хос эди. Улар феодализм иллатларини йўқ қилишга, жаҳон тарихи ва география ҳақидаги билимларни тарқатишга, европалик механика ютуқларини ишлаб чиқаришда татбиқ этилишига даъват қилганлар. Улар “экономика”, “эволюция”, “революция” каби ғарб

атамаларини муомалага киритиб, тилнинг луғавий таркибига бебаҳо ҳисса қўшганлар. “Тонкин ижтимоий мактаби” содда, барчага тушунарли, яққол кўриниб турган сиёсий мавзуга эга шеърлар, достонлар, қўшиқлардан иборат катта адабий меросни қолдирди.¹⁷

XX асрнинг биринчи чорагида публицистиканинг ривожланиши ҳам кўзга кўринар эди. Ўша даврда адабий ҳаётнинг марказлари ҳисобланиб, иккита журнал “Донг зыонг” (“Ҳиндхитой”, 1913 – 1917) ва “Нам фаунг” (“Жанубий шамол”, 1917 – 1934) фаолият кўрсатган. Бу журналлар замонавий шоир ва ёзувчилар, маҳорат мактаби, замонавий вьетнам адабиётининг туғилиш жойи минбари сифатида хизмат қилган эди. Айнан мазкур журналларнинг маърифатпарварлик фаолияти бир ярим ўн йилликдан кейин янги миллий адабиётнинг ривожланишига замин яратиб берган. Журналларнинг саҳифаларида ғарб адабиётининг кўплаб таржималари нашр этилди: “Лафонтен масаллари”, “Перро эртаклари”, Мольернинг “Тартюф” ва “Дворянликдаги мешчан” комедиялари, Лесажнинг “Диль Блаз”, А.Превонинг “Манон Леско”, А.Дюманинг “Уч мушкетёр”, Дж.Свифтнинг “Гулливёрнинг саёҳати”, О.Бальзакнинг “Шагрэн териси”, Паскальнинг “Фикрлар” и, Декартнинг “Усул ҳақида мулоҳазалар”, шунингдек, хитой классикасидан таржималар – “Уч ҳокимият” ва “Ғарбга саёҳат” кабилар шулар жумласидандир.¹⁸

Ушбу даврга келиб анъанавий классика доираси янги идеаллар учун тор бўлиб қолган эди. Ижтимоий ҳаётнинг шиддати бадиий идрок этиш (англаш)нинг янги имкониятларини излашга ундар эди. Вьетнам ёзувчиларининг нигоҳлари ҳамиша навқирон ва сўнмас манба – миллий шаклга қаратилди.

¹⁷ Зимонина И.П. О просветительских тенденциях во вьетнамской новелле начала XX в –В кн.:

Просветительство в литературах Востока. М., «Наука», 1973, Б. 45

¹⁸ Ўша асар, Б.52.

Маърифатпарварлик ҳаракати жаҳон санъати анъаналари билан миллий адабиётнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатди, ушбу анъанани чуқур англаш ва ўрганишга йўл очиб берди. Бу ҳаракат насрда янги ҳикоянинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Ҳикоя жанри вьетнам адабиётида ўзининг қадимги анъаналарига эга эди. Вьетнам янги ҳикоясининг илдизлари турли хил тарихий хроникаларга, расмий рисолалар ҳамда халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Маълумки, “До Тхиеннинг норасмий тарихий Тазкиралар” (XIII аср) асарига кейинги асрларда расмий тарихнавислик томонидан кўп маротаба мурожаат қилинди, XIVаср бошида эса вьетнам ҳикоялари Ли Те Сюйеннинг “Виет ерларининг ажойиботу-ғаройиботлари” тўплами сифатида бизгача етиб келган. Ле Куи Доннинг айтишича, энг дастлабки бизгача етиб келмаган ҳикоялар тўпламлари – “Олий тақдирлаш ҳақида қисса” (XIII аср) ва “Қирол боғлари ва ибодатхоналаридаги ажойиб гўзалликлар тўплами” (XIVаср бошлари) турли хил тарихий асарларга асосланган эди. Аксарият ҳолларда янги ҳикоялар матнига До Тхиеннинг “Тазкиралар” дан алоҳида парчалар, воқеалар ҳақида ҳикоялар ёки тарихий латифалар киритилган эди. Бундай “киритилган парчалар” “Тазкиралар”дан олинган матнлардан кўчирма гаплар ҳисобига анча кенг бўлган. Солнома анъанасининг ҳикояга бўлган таъсири аниқ саналар қўйишда ва китобхонга қаҳрамоннинг насл-насабини келтиришда намоён бўлади.

Ҳикояларнинг яна бир манбаси – бу кўпгина пагода ва ибодатхоналарда сақланаётган ибодатхона китоблари эди. Бундай китобларда одатда руҳлар ва руҳонийлар томонидан кўрсатилган мўъжизалар ва муҳим воқеалар ёзилиб борилар эди. Вьетнамда ибодатхона китоблари мавжуд бўлганлигига бошқа ишончли тарихий манбалар аниқ ишора қилади. Шундай тахмин ҳам борки, До Тхиен ўз “Тазкиралар” ни тузишда ибодатхона китобларидан фойдаланган экан.

Ибодатхона китобларидан ҳикоя шаклланиш жиҳатини олган – стереотип (одатдагидек бир хил) якунланиш, қаҳрамон кўрсатган мўъжизаларнинг ва ўлимидан кейин қирол томонидан берилган фахрий унвонларнинг саналиб ўтилиши ва бошқ. Ҳикоя ва ибодатхона китоблари ўртасида алоқа борлигига қизиқ бир факт далолат беради. 1572 йилда маҳаллий илоҳиётлар ҳақида афсоналарни таснифлаш борасида Ле сулоласи текширув-тафтиш ишларини олиб борганда, расм-русум ва маросимлар вазирлиги йўқолган (ёки умуман мавжуд бўлмаган) “насл-насаби йўқ” руҳларнинг китоблари учун “расмий таржимаи ҳолларни” Ли Те Сюйеннинг тўпламидан олишни буюрган эди.¹⁹

Фольклор вьетнам ҳикоясига эртақлар, афсоналар, ва тарихий ривоятлар шаклида кириб келган. Биринчи ҳикоялар жуда қисқа ва лўнда, шаклан содда, кўпинча ажойиб тусга эга ғайриоддий воқеалар ҳақида қисқа ёзувлардан иборат эди. Фольклор негизлари Ву Куинь ва Киеу Фуларнинг “Линьнам ерларининг ажойиб қиссалари” (XV аср бошлари) ҳикоялар тўпламида яққол кўриниб туради. Бу тўплам ҳозирги вақтгача оғзаки анъанада сақланиб келаётган ривоятлар (қиссалар)ни ўз ичига олган бўлиб, сюжет нуқтаи назаридан фольклор манбаларига бутунлай таянади ва ажойиб, ғайриоддий воқеалар ҳақида баён қилади.

Кейинчалик ҳикояларда солнома анъанасидан узоқлашиш тенденцияси мустаҳкамланади, ҳикоя қилиш унсури кучаяди, бадий уйдирма ва панд-насихат пайдо бўлади (“Ле Тхань Тонг қироли қолдирган асарлар”, XV аср охири). Нгуен Зынинг (“Ажойиботлар ҳақидаги ҳикоялари”, XVI асрнинг биринчи ярми) ва Доан Тхи Диемнинг (“Ажойиботлар ҳақидаги ҳикояларнинг янги ёзувлари”, XVIII аср) ҳикоялари такомиллашган сюжет, композицион якунланганлик ва образлар ривожланганлиги билан ажралиб туриб, вьетнам классик ҳикоянавислигининг чўққиси ҳисобланади. Бу ҳикояларда ахлоқий

¹⁹Никулин Н.И. Вьетнамская литература. Краткий очерк. М., «Наука», 1971, Б. 82

дидактик анъаналар якқол кўриниб турибди; масалан, Нгуен Зынинг ҳар бир ҳикоясида китобхонга йўлланган панд-насиҳатни учратишимиз мумкин.

Ушбу ҳикоялар хусусиятлари ҳақида уларнинг номланишидан хулоса қилса бўлади: мўъжизалар, сеҳргарлар, руҳлар, ажойиб воқеалар ва эврилишлар – осмон аҳлига айланган одамлар ва одамларга айланган осмон аҳли ҳақида ўша бир хил ҳикоялар.

XX аср бошидаги ҳикоялар эса анъанавий ҳикоядан анча фарқ қила бошлади. Тўқима ўрнига кундалик ҳаётга идрокли қараш, мўъжиза ва эврилиш ўрнига ҳақиқий воқеалик кириб келди. Эндиликда ҳикоялар ҳақиқатни акс эттиришга интилди. Илк бор у ижтимоий мавзу ва мотивларга мурожаат қилиб, инсон уни ижтимоий шахсият сифатида қизиқтира бошлайди.²⁰

1.2. Фам Зюи Тон ижодида янги ҳикояларнинг шаклланиши ва ўзига хослиги

Янги давр вьетнам ҳикоясининг асосчиси ўқимишли инсон, француз маданиятининг ўткир билимдони, моҳир таржимон, иқтидорли журналист ва публицист Фам Зюи Тон (1883 – 1924) бўлган. Кўп йиллар давомида у энг йирик нашрларда ҳамкорлик қилган: “Донг зыонг”, “Чунгбак танван” (“Шимол ва Марказ янгиликлари”) журналларида, “Дайвьет танбао” (“Буюк Вьет янгиликлари”) ва “Тхыкниеп занбао” (“Шаҳар газетаси”) газеталарида. “Луктиньтанван” (“Кохинхина”) оммабоп журналнинг муҳаррири бўлган эди. Фам Зюи Тоннинг новеллаларини “татян”, яъни улар “воқеяликка асосланган” деб аташган. Фам Зюи Тон Вьетнам ёзувчилари орасида биринчи бўлиб ижтимоий масалаларни кўтариб чиқди ва ватан адабиёти ривожланишининг янги даври асосчиси номи билан тарихда из қолдирди. Фам Зюи Тон адабиётнинг бош мақсадини

²⁰ Литература Востока в новейшее время. М., изд. Московского университета 1977, Б.513.

одамларнинг маърифатида кўрар эди; кўпгина маърифатпарварлар каби оммаларни Ғарбий Европа ва шарқий (хитой, япон) ижтимоий фикр, маданият ва илм-фан ютуқлари билан таништиришни зарур деб билар эди. Фам Зюи Тон, Нгуен Ван Винь, Фан Ке Бинь, Нгуен До Мук ва бошқалар ғарб ва хитой муаллифларининг бадиий асарлари, танқидий эсселари, илмий девонларини вьетнам тилига таржима қилганлар, шунингдек, классик вьетнам адабиёти бўйича турли хил тадқиқотлар олиб бориб, замонавий ёзувга унинг асосий асарларини транслитерация қилганлар.

Фам Зюи Тон бошқа маърифатпарварлардан фарқли равишда ватан адабиётининг ривожланишига кўпроқ эътибор бериш кераклигини таъкидлар эди. Шу сабабли у асосий кучини таржима, эсселар билан бир қаторда бадиий ижодга бағишлаган. Фам Зюи Тон бир қатор таржималар муаллифидир. Таржималар учун у XVII асрнинг йирик француз ахлоқшуноси, филологи ва сатириги Жан де Лабрюйер ва XVIII асрнинг таниқли мутафаккири Шарль Монтескьенинг асарларини танланган эди.²¹

Лабрюйер ва Монтескьеларнинг исмлари бир бири билан узвий боғлиқлиги тадқиқотчилар томонидан тан олинади: Лабрюйернинг таъсири Монтескьенинг “Форс мактублари” асарида сезилиб туради. Айтиб ўтиш керакки, Фам Зюи Тон айнан Монтескьенинг “Форс мактублари” асарини таржима қилган эди.²²

Маърифатпарварларнинг ижоди вьетнам ёзувчисини ўзига тортган. Фам Зюи Тонни Лабрюйернинг адабиёт, тил ва ижод ҳақидаги фикрлари кизиқтирар эди. Таржима учун Фам Зюи Тон Лабрюйернинг “Инсон идроки (ақли)нинг ижоди ҳақида” асарини танлаб, уни “Донг зыонг” журналида (1915, №75) “Нутқ табиий бўлиши керак” сарлавҳаси остида нашр қилади. Маълумки, Лабрюйер номини нафақат Монтескье номи

²¹ Литература Востока в новейшее время. М., изд. Московского университета 1977. Б.512

²² Литература Востока в новейшее время. М., изд. Московского университета 1977. Б.512

билан, балки кенга маънода Маърифат даври билан боғлашади²³. Лабрюйернинг таъсири кўпгина ёзувчи ва файласуфларнинг ижодида сезилади: Дидро (“Рамо жияни”), немис сатириги Рабенер, рус сатириги Кантемир (“Учинчи сатира”), Фонвизин (“Чала савод”). Буюк ўтмишдошлар каби Фам Зюи Тон Лабрюйернинг фикр, кузатиш ва бадий усуллари ижодий ёндошув билан ўзлаштириб боради. Монтескьенинг “Форс мактублари” асаридан Фам Зюи Тон иллатларга, шавқатсизлик ва очкўзликка ботиб кетган троглодитлар қабиласи ҳақидаги ривоятни таржима учун танлайди.²⁴

Икки буюк французларнинг кескин, зеҳнли сатираси, ижодларининг феодализмга қарши йўналтирилганлиги, тилнинг аниқлиги, равшанлиги ва равонлиги, ахлоқий ҳақиқат Фам Зюи Тоннинг диққатини ўзига тортган эди.

Шарқ адабиётларида ўзига хос асар яратилаётганда ўзлаштира сюжетдан фойдаланиш қадимдан анъана бўлиб келган, бироқ манба сифатида миллий адабиёт эмас, балки хорижий адабиёт хизмат қилар эди. Фам Зюи Тон ҳам ушбу анъанага риоя қилган ҳолда, А.Додэнинг “Душанба кунларидаги ҳикоялар” тўпламидан “Биллиарддаги партия” ҳикоясига мурожаат қилади. А.Додэнинг “Биллиарддаги партия” ҳикоясида ёмғир тагида ивиб, чарчоғидан тойган аскарлар тургани тасвирланган. Улар бош кўмондон штабидан хужум қилиш тўғрисида буйруқни кутишади. Лекин маршал биллиард ўйнаётган бўлади. “Маршал партияни бошлаган бўлса, осмон узилиб ерга тушмайдими – ҳеч ким унга партияни тугатишга ҳалал беришга қодир эмас”. Душман ўт очиб, аскарлар ҳалок бўлаётгани ҳақида хабар билан жўнатилган аскар штабга келганда,

²³ XI-хат – қаранг журн. “Донг зыонг”, №76, 1915. 306

²⁴ XI-хат – қаранг журн. “Донг зыонг”, №76, 1915 306

маршал пинагини бузмай партиясини ўйнаб тугатади, сўнг орқага чеқкиниш ҳақида буйруқ беришга мажбур бўлади.²⁵

Фам Зюи Тоннинг “Тирик бўлишади ёки ўлишади – барибир” ҳикоясида воқеалар вьетнам қишлоғида бўлиб ўтади. Ҳикоянинг асосий мазмуни шундай таърифланади:

Dân phu kể hàng trăm nghìn con người, từ chiều đến giờ hết sức giữ gìn, kể thì thuổng, người thì cuốc, kẻ đội đất, kẻ vác tre, nào đắp, nào cù, bì bơm dưới bùn lầy ngập quá khuỷu chân, người nào người nấy lướt thướt như chuột lột. Tình cảnh trông thật là thảm. Tuy trống đánh liên thanh, ốc thổi vô hồi, tiếng người xao xác gọi nhau sang hộ (1), nhưng xem chừng ai ai cũng mệt lử cả rồi.

Thưa rằng: đang ở trong đình kia, cách đó chừng bốn năm trăm thước. Đình ấy cũng ở trên mặt đê, nhưng cao mà vững chãi, dầu nước to thế nữa cũng không việc gì.

Trên đình đèn thấp sáng trưng, nha lệ, lính tráng, kẻ hầu người hạ, đi lại rộn ràng. Trên sập, mới kê ở gian giữa, có một mình quan phụ mẫu, uy nghi chễm chệ ngồi.²⁶

Дарё сатҳи тобора кўтарилиб , тўғонни бузишга таҳдид сола бошлади. Кун бўйи қишлоқ аҳолиси ёмғирдан ивиб, ҳолидан тойиб, шавқасиз офатга қаришлик кўрсатишга уриндилар. Ҳаттоки тунда ҳам улар ер кавлашни давом эттиравердилар.

Айнан шу вақтнинг ўзида тозалик ва ишнамликда, иссиқ ва ёруғ уй (динь)да сув тошқини билан кураиши учун юборилган бош амалдор ўтирар эди. У қўл остидагилари, маҳаллий ҳокимият билан қарта ўйнашда давом этарди. Унинг ўн томонида – жаноб бошқарувчи, ёнида

²⁵ Литература Востока в новейшее время. М., изд.Московского университета 1977. Б.511

²⁶ Phan Dang Nhat.: Van hoc cac dan toc thieu so viet nam. Ha noi -1981, Б. 8(вьетнам тилида)

– кўриқлаш бошлиғи, кейин – таржимон, чап томонида – ҳурмат билан таъзим қилиб турган маҳаллий ҳокимиятнинг бошлиғи. Халқ, сув тошқини, тўғонга ҳужум қилаётган сувнинг, ёмғир ва шамолнинг шовқини уни умуман қизиқтирмас эди.

Ҳикоя давомида тўғон ёрилиб, ҳамма ерни сув босгани ҳақида хабар билан югуриб келган деҳқон диньга (уйга) кирганда, амалдор уни ҳайдаб юборишни амр қилади. Одамлар ҳалок бўлади, уларни очлик ва қашшоқликка маҳрум этиб, сув уйлар ва далаларни босиб қолади, бироқ амалдор совуққонлик билан ўз ўйинини давом этираверади.

Муаллиф ушбу ҳикояда нафақат аниқ ва объектив ҳаётни тасвирлайди, балки уларга тўғридан тўғри изох беради:

Ôi. Trăm hai mươi lá bài đen đỏ, có cái ma lực gì dun dủi cho quan mê được như thế?... Đây, đây đề vỡ mặt đề, nước sông dù nguy, không bằng được bài cao thấp. Đứng trên đề mà đốc kẻ cầm cừ, người đổ đất lắm nổi làm than, sao bằng ngồi trong đình đã sẵn kẻ bốc nọc, người chia bài, nhiều đường thú vị. ...Than ôi. cứ như cách quan ngồi ung dung như vậy, mà hai bên tả hữu, nha lại nghiêm trang, lính hầu rầm rập thì đó ai bảo rằng: gần đó có sự nguy hiểm to, sắp sinh ra một cảnh nghìn sầu muôn thảm, trù những kẻ lòng lang dạ thú, còn ai nghĩ đến mà chẳng động tâm, thương xót đồng bào huyết mạch.²⁷..

“О, бу қора-қизил 120 та ўйин қарталарида қанақа кучки, улар амалдорни шунчалик авраб қўйди? Тўғон ёрилиб кетса ҳам унга барибир. Даҳшатли дарё суви уни ҳаёлига келса ҳам, қарта ўйинидаги битта маккорлик ва қизиқ юриши ҳамма нарсадан устунроқ, кучлироқдир.....

Унга барибир! Халқ унга халқни нима қизиги бор!”²⁸

²⁷ Phan Dang Nhat.: Van hoc cac dan toc thieu so viet nam. Ha noi -1981, Б.8 (вьетнам тилида)

²⁸ Phan Dang Nhat.: Van hoc cac dan toc thieu so viet nam. Ha noi -1981, Б.9 (вьетнам тилида)

Ҳикояда кескин ижтимоий фарқ, ижтимоий адолатсизлик хиссиёти ўткир тасвирланган. Шунингдек Фам Зюи Тон ижтимоий шартланиш характери тўла очиб бера олган.

Шак шубҳасиз, Фам Зюи Тоннинг ушбу ҳикоясидаги сюжет А.Додэ новелласига жуда яқин. Француз маърифатпарварлар ғоялари Фам Зюи Тонга таъсир қилганига ҳам шубҳа йўқ. Вьетнам ёзувчисининг ижодида ғоявий йўналишни аниқ кўриш мумкин: муҳими “унга очилган ҳақиқатни ақлни ҳайратда қолдирадиган даражада кўрсатмоқ”. Фам Зюи Тон учун бундай ҳақиқат одамларнинг ижтимоий мавқеи: феодаллар ва деҳқонлар ўртасидаги кескин фарқда кўринар эди. Муаллиф амалдор шахс мисолида бефарқлик ва манманликка қарши қатъий норозиликни билдиради. Айтиб ўтиш керакки, Фам Зюи Тоннинг ҳикояси ҳақ-ҳуқуқсизликка ва инсоннинг меҳнатидан қабих фойдаланишга қарши норозилик деб қабул қилинди. Муаллиф ўз қаҳрамонларининг характерларини бизга кўрсатмаган, лекин ҳаётини вазият, воқеликнинг ўзи деҳқонларнинг ачинарли, аянчли ҳолидан далолат бериб турар эди:

“...Mọi người đều giết nấy mình, duy quan vẫn điềm nhiên, chỉ lăm le chờ người ta bốc trúng quân mình chờ mà hạ...”²⁹

“...юзлаб одамлар бошидан оёғигача лойда, уларни шамол тешиб ўтар, белларини ёмғир савалар эди; ...”³⁰

Фам Зюи Тон деҳқонларнинг ҳуқуқларини тан олиш ҳақида аниқ фикрлар билдирмайди, бироқ халқнинг оғир аҳволи ҳақидаги фикр унинг барча асарларида ўз аксини топиб келади. Халқ мавзуси Фам Зюи Тонда меҳнат мавзуси билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу мавзу қарама қарши кўйиш орқали кўрсатилади: бойлар текинхўр, харомтомоқ ҳаёт кечиришади, камбағаллар эса чарчоқни билмай, тинмай ишлайверишади. Фам Зюи Тон А.Додэнинг сюжет қурилиши режасига аниқ эргашади.

²⁹ Phan Dang Nhat.: Van hoc cac dan toc thieu so viet nam. Ha noi -1981, Б.9(вьетнам тилида)

³⁰ Phan Dang Nhat.: Van hoc cac dan toc thieu so viet nam. Ha noi -1981, Б.10(вьетнам тилида)

А.Додэдан фарқли равишда Фам Зюи Тон пейзаж (манзара) чизғиларидан фойдаланмайди, манзара кўринишлари у учун аҳамият касб этмайди. Унинг учун муҳимроғи – содир бўлаётган воқеалар устидан кўзга кўринмас муаллифнинг назорати. Гоҳида у тўғрима-тўғри муаллиф баҳоларини беради. Ҳикоянинг якуний қисмида халқнинг аянчли ҳолига раҳм қилмаган ҳамда бефарқ бўлган ва манманликка учраган халқ “ҳимоячиси”ни ғазаб билан фош қилинишига гувоҳ бўламиз.

Франциянинг энг яхши новеллисти, киноянинг ёрқин устаси Мопассан ўзининг лўндалиги, композицион тартиблилиги ва энг муҳим далилларни саралаб олиш қобилияти билан Фам Зюи Тоннинг диққатини тортди. Мопассаннинг “Сарпо” ҳикояси сюжети асосида Фам Зюи Тон “Шокхань” ҳикоясини яратди. Европалик “донжуан” каби Вьетнамда “шокхань” турдош отга айланди, бундай номни ёлғончи ва йўлдан урувчи (оздирувчи) одамлар олар эди.

Мопассаннинг “Сарпо” ҳикояси – қаллиғининг пуллари ва қимматбаҳо буюмлари билан қочиб кетган уddaбурон вилоятли нотариус ҳақида. Ушбу ҳикояда Мопассан киноя билан буржуазия жамиятининг вакиллари биргина мақсад – бойлик орттириш билан овворалигини фош қилади. Фам Зюи Тон ҳам худду мана шу сюжетни вьетнам заминига мослаб асар яратган.

Фам Зюи Тон Мопассан новеллаларига хос бўлган лўндалик ва аниқ композицияга тақлид қилади.³¹ Мопассан каби унинг новелласи ҳам персонажларнинг тавсифи билан бошланади, у каби ўз қаҳрамонларига кинояли муносабат билдиради, олийжаноб қиёфа ортида пасткаш, молпараст ва ички дунёси бўш ва тор инсонни тасвирлайди. Лекин Фам Зюи Тоннинг кинояли оҳанги бирмунча дабдабали ва ўзига хос услуб орқали ифодаланади.

³¹ Литература Востока в новейшее время. М., изд. Московского университета 1977. Б.512

Фам Зюи Тон “Шокхань” ҳикоясида қаҳрамонларнинг ҳаракатларини ташқи кўринишлари каби лўнда ва қисқа тасвирлаган. У Мопассандек хронологик ва мантикий кетма кетликка риоя қилган ҳолда энг муҳим ва энг зарурини танлаб олишга интиланган. Ҳикоянинг қиқача мазмуни қуйидагича:

Янги турмуш курган эри-хотин жуда бахтли эдилар. Улар вилоятда хотиннинг ота-онасининг уйида яшай бошлайдилар. Бир оз вақтдан сўнг эр Ханойга саёҳатга боришни таклиф қилади. Қайнотанинг ҳамма пуллар ва қимматбаҳо буюмларни сафарга олмаслик маслаҳатига қарамай, эр уларни барчасини портфельга, сўнг эҳтиёт шартидан жомадонга жойлаштиради. Поездда саёҳат қилиб, шаҳар кезишади, рикшаларни ёллайдилар, қоронғу ва бўш кўчалардан узоқ вақт кезиб юрадилар. Кутилмаганда хотинни олиб юрган рикша берк кўчада адашиб қолганда, эри пуллар ва қимматбаҳо буюмлар билан ғойиб бўлади, хотини эса бу тасодиф деб ўйлайди ва эрини қайтишини кутади. Шунда рикша ҳайдовчиси аёлга шундай дейди:

“Thôi, mất cậu rồi. Đừng mong người với valít nữa. Hết món này, ta lũng món khác vậy”.³²

“Жамодонлар билан кетганинг қайтишини бошқа орзу қилма (хаёлингга келтирма). Бир нарасада адашиб, бошқасига эҳтиёт бўлиб қарайсан!”

Ҳикоянинг айнан шу нуктасида биз маърифатпарварлик адабиёти белгиларининг гувоҳи бўламиз. Зеро рикша ҳайдовчисининг айтган гаплари айнан насиҳатомуз гапларнинг ўзгинасидир.

Фам Зюи Тон ашаддий маърифатпарвар сифатида янги адабиёт қоидаларидан чекинмаган ҳолда фош қилиш натижасини кучайтиради. Хотин тўрт кун бефойда кутишдан кейин эри ҳақида, у қандай инсон эканлигини ўз танишларига ҳикоя қилади.

³² Phan Dang Nhat.: Van hoc cac dan toc thieu so viet nam. Ha noi -1981, Б.12(вьетнам тилида)

Hay là gặp anh em, còn đứng lại nói chuyện chẳng?... Nhưng cũng không có lẽ... Ai lại bỏ vợ bỏ ngõ, đi một mình trong thành phố đêm khuya như vậy!... Thôi, để tôi nói với thầy đội. Xin mời cô hãy về tạm đằng nhà, nghỉ ngơi với³³

“У обрўли, виждонли, инсофли инсон эди, фалакнинг җимояси ва бошлиқларнинг қайғуси туфайли у яқинда катта мансаб эгаси бўлиши керак эди... Ким ўйлабди-я, у бойликка ташланишини ва пулларга қўз олайтиришини!” – деб айтади ташлаб кетилган хотин.

Аслида ҳикоянинг ечимини ушбу гаплар ёрдамида ҳам тушуниб етса бўлади, аммо муаллиф хотиннинг ҳикояси билан кифояланмайди, у ўз номидан китобхонга мурожаат қилади:

Cách hai ba tháng sau, dò la mãi, quả nhiên biết rõ tin rằng: Cậu Sở ấy đồng mưu với một ả giang hồ, để lập cái kế tàn

nhân này, mà lấy của cải và hại một đời người đàn bà đầu xanh tuổi trẻ. Xong rồi, hai đứa đem nhau đi trốn sang đâu

Xiêm, Lào, để cùng vui hưởng cái của bất nhân bất nghĩa.³⁴

“Уч-тўрт ой давом этган тўхтовсиз қидирув ва текишув ишларидан сўнг барчаси равшан бўлди: бу шокхань енгилтак бир қиз билан тил бириктириб, олдиндан ўз шафқатсиз режасини тузган, пулларга эга бўлиб олиб, ёш, гуллаб турган ҳаётни барбод этди. Ўз ишини тугатиб, бу жуфтлик Лаосга инсофсизлик ва адолатсизлик йўли билан мол-мулкни қўлга киритиб, эришган неъматлардан роҳатланишини орзу қилиб, қочиб кетди.”

Гувоҳи бўлганимиздек, Фам Зюи Тонннинг ушбу ҳикояси ҳам Мопассаннинг ҳикоя сюжетига асосланган. Аммо, ҳикоянинг воқелар

³³ Phan Dang Nhat.: Van hoc cac dan toc thieu so viet nam. Ha noi -1981, Б.13(вьетнам тилида)

³⁴ Phan Dang Nhat.: Van hoc cac dan toc thieu so viet nam. Ha noi -1981, Б.15(вьетнам тилида)

ривожу вьетнам услубига ўтказилган ва вьетнам адабиётининг анъанавий услубига тўғридан-тўғри боғланган ҳолда тасвирланган.

Юқоридаги ҳикояларни таҳлил қилар эканмиз, Фам Зюи Тон нафақат кучли маърифатпарварлигига, балки Ғарб адабиётига бўлган қизиқишлари ва уларни ўз асарларига асос қилиб олиши, қолаверса ҳар бир яратган асарларига ўзи таъриф бериб ўтиши билан ажралиб турадиган ёзувчи эканлигини гувоҳи бўлдик. Шунингдек, Фам Зюи Тон ҳикояларининг тасвирлари, уларнинг ажойиб аниқлиги билан, миллий колорити билан, француз новелларининг характери, буларнинг ҳаммаси унинг ижодий ўзлаштириш тажрибаси ҳақида гапирди.

Яна бир нарсага эътибор қаратадиган бўлсак, Ғарбда таълим олган ва «куок нгы»да ёзаётган вьетнам маърифатпарвар ёзувчиларнинг ижодида адабий тилнинг соддалаштириш, оғзаки нутқ билан яқинлашиш, баён услубидаги соддалик ва равшанлик тамойиллари сезилиб турар эди. XX асрнинг биринчи чорагида конфуциалик ёзувчилар ижодида эса бошқа тамойил сезилар эди: насрий тилда узун ва мураккаб ибораларга, кам ишлатиладиган сўзларга тўла китобий тилни қўллаш, симметрия ва вазнли ёзувга кўпроқ мойилликни учратамиз. Ўша даврда насрий баёнга *лук бат* – охирдаги сатрларда қофияли шеърӣй вазнда ёзилган парчаларни қўшиш расм бўлган. Фам Зюи Тон тилдаги табиийлик учун курашар эди. Шунинг учун таниқли услубчи Лабрюйернинг тажрибасига мурожаат қилган. Лабрюйернинг фикрлари Фам Зюи Тон томонидан оммалаштирилиши аслида вьетнам ёзувчисининг тутган йўлини тарғиб қилиш деб тушунилар эди.³⁵

Фам Зюи Тон маърифатпарварликда хом хаёллар (иллюзия) га йўл қўймайди. Маърифатпарварлар бошлаб берган иллатларни фош қилиш йўналишини давом эттириб, ижобий қаҳрамонни яратишдан воз кечади.

³⁵ Литература Востока в новейшее время. М., изд. Московского университета 1977. Б.511

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Европадаги Маърифат даври учун айнан шу муаммо ўта муҳим бўлиб, марказий ўринни эгаллаган эди.

Фам Зюи Тон ўзгача йўналишда ижод қилган ёзувчи бўлиб, у ўзининг яратган ҳикояларида баландпарвоз ва мураккаблаштирилган ибораларни қўлламаган, сўзларининг таъсири (кучи)ни – соддалик ва равшанликда ёритиб бера олган.

Фам Зюи Тон юқорида таъкидлаб ўтилган ўзига хос ижоди билан XX аср Вьетнам адабиёти, хусусан, Янги давр вьетнам ҳикояларининг асосчиси сифатида тан олинди ва кучли маърифатпарвар ёзувчи, ҳаттоки маҳоратли танқидчи сифатида шуҳрат қозонган эди.

I БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

XX аср бошида ишчилар синфи ва миллий буржуазиянинг пайдо бўлиши, Вьетнамда француз мустамлакачилар сиёсати жадаллик билан ўтказилиши, миллий-озодлик ҳаракатининг кучайиши, янги партиялар ташкил топиши, барча тарихий шарт-шароитлар вьетнам адабиётига сезиларли таъсир кўрсатган.

Бу мураккаб сиёсий-ижтимоий жараёнлар Вьетнам адабиётини мазмунан ўзгартириб юборди ва янги шаклларни яратилишига туртки бўлди. Ўқувчиларнинг дидлари доираси ҳам ўзгариб, эндиликда улар янгиликларга интила бошладилар.

Вьетнам адабиётининг халқаро алоқалар характери ҳам ўзгарди. Авваллари адабиёт фақат қўшни давлатлар билан боғланиб ривожланган бўлса, эндиликда жаҳон адабиёти билан танишиш жараёни бошланди, айниқса француз адабиётига йўналтирилган ва ундан таъсирланганлиги яққол кўзга ташланади.

Вьетнам тилининг дастлабки адабиётида деярли бадиий проза бўлмаган. XX асрнинг бошларига келиб эса Вьетнамда жуда тезлик билан

замонавий жанрлар вужудга келди. Анъанавий жанрлар йўқ бўлиб кета бошлади ва ҳикояли дostonлар ўрнига янги типдаги ҳикоя пайдо бўлди.

Янги типдаги ҳикоялар анъанавий ҳикоядан анча фарқ қилган ҳолда, тўқима ўрнига кундалик ҳаётга идрокли қараш, мўъжиза ва эврилишлар ўрнига ҳақиқий воқеаликни тасвирлаш кириб келди.

Шунингдек, XX аср бошларида вьетнам ҳикоянавислигида услуб ва тилдаги аниқлик, лўндаликни кузатишимиз мумкин. Оғир, мураккаб конструкциялар, тушунарсиз конфуциалик иборалардан, хитой тилидан ўзлаштирилган сўзлар ва архаизмлар (эскирган, муомаладан чиқиб кетган сўзлар) дан қутилишга ҳаракат қилган ёзувчилар аниқ ва равшан насрни ярата бошладилар. Қолаверса, вьетнам адабиёти янги давр ҳикояси бир мунча омилларга таянганини гувоҳи бўламиз. Зеро, вьетнам адабиёти янги давр ҳикояларига анъанавий ҳамда адабий мерос омил бўлибгина қолмай, Ғарб адабиётининг таъсири ҳам яққол кўзга ташланганлиги ҳамда янги ҳикояларнинг асосчиси бўлмиш Фам Зюи Тоннинг яратган асарлари фикримиз исботи бўла олади.

2-БОБ. ВЬЕТНАМ АДАБИЁТИДА XX АСРНИНГ 1930-1945 ЙИЛЛАРДА ЙЎНАЛИШЛАР ВА ОҚИМЛАР

2.1. 1930-1945 йилларда романтик ва реалистик йўналишлар кураши

XX аср бошларида Вьетнам адабиётидаги маърифатпарварлик идеалларига енгил эришишга бўлган содда ишонч XX асрнинг 20-йилларига келиб мураккаб ҳаётини қарама-қаршиликлар билан ўрин алмашди. XX асрнинг бошида Хитойдаги “Ўрдак ва капалаклар мактаби” нинг сентиментал романтик асарлари таъсири остида Вьетнамда “Кўз ёшлар оқими” аталмиш адабиёт дунёга келди.³⁶ Ўша пайтда Вьетнамда Хитойлик ёзувчи Сюй Чжейнинг “Оққушнинг кўзёшли тарихи” номли романи машҳур бўлган. Ушбу романга тақлид сифатида Вьетнамда Чонг Кхиемнинг “Ким Аннинг кўзёшли тарихи” романи, Тионг Фонинг “Кузги кўзёшлар” номли тўплами вужудга келди. Машҳур ёзувчи Хоанг Нгаук Фатянинг “То Там” номли романи ҳам айнан шу жиҳатлари билан ажралиб туради. У роман қаҳрамонини ўлимга олиб келган феодал қарашларга зид бўлган севгини куйлайди. Роман кундалик изҳорларнинг кўриниши шаклида яратилган бўлиб, Вьетнам адабиётида бундай шакл биринчи мартта қўлланилган. Вьетнам адабиётшунослари Хоанг Нгаук Фатяни вьетнам адабиётидаги романтизм асосчиси деб билишар эди. Аммо, уларнинг романтизм тушунчаси Европа романтизм тушунчасига бирмунча тўғри келмас эди. Бу тушунча кўпроқ сентиментализмга таалукли бўлган.³⁷

Гувоҳи бўлганимиздек, Вьетнам ҳикоянавислиги ўз ривожланиш йўлининг илк даврида, яъни XX асрнинг 20-йилларида ўзига хос кўринишдаги романтик йўналишни тараққий этиб, бундай адабиётнинг тараққий этишида Хитой адабий мактабининг роли катта бўлган.

³⁶ Литература Востока в новейшее время. М., изд.Московского университета 1977. Б.514

³⁷ Ўша жойда.

XX аср ўттизинчи йилларининг боши Вьетнам тарихига Вьетнам халқининг француз мустамлакачи ва маҳаллий феодаллар зулмига қарши йирик қўзғолонлар кўтарилиш даври бўлиб кирди.

Мустамлакачилар томонидан ўрнатилган цензура, тақиқланишлар ва тўсқинлар шарт-шароитида 1930-1945 йиллардаги Вьетнам адабиётида реалистик йўналишни романтик йўналишга қарама қаршилиги яққол сезила бошлади. Айтиб ўтиш керакки, “романтик” (“ланг ман”) сўзи вьетнам тилида “ўзбошимча”, “ахлоқсиз” деган маъноларни билдиради. Бу сўзнинг нега бундай талқин этилишини эса фикримиз давомида кўрсатиб ўтамиз.³⁸

1932 йил ташкил топган “Ўз кучи билан” ёзувчилар гуруҳини одатда “романтиклар” деб аташар эди. “Ўз кучи билан” гуруҳи 1930 - 1931 йиллардаги озодлик ҳаракатларига жавобан мустамлакачилар томонидан олиб борилган қонли террор пайтида барпо бўлган. Вьетнам буржуазияси эса миллий озодлик ҳаракати фаолиятидан узоқлашган эди. “Ўз кучи билан” гуруҳ ёзувчилари ҳаётни аста-секин “яхшилаш” тарғиботига ўтдилар, ўқувчиларини мустамлакачилардан бир томчидан сиқиб олинadиган кичик ислоҳатларнинг катта аҳамиятга эга эканлигига ва асоссиз оптимизмга ишонтиришга интилар эдилар. Бу гуруҳнинг “Мурожаатнома”сида шундай деб айтилган эди: “Социал йўналишидаги китобларни яратиш ва таржима қилиш зарур бўлиб, кучларни жамлаган ҳолда одамларни ва жамиятни кундан-кунга яхшилашга ҳаракат қилиш керакдир”³⁹. Бироқ мустамлака-феодал Вьетнамнинг “ҳаёти яхшиланиб кетишини” бу гуруҳ вакиллари табиий равишда кўра олмадилар. Жамият ривожининг қонунийлик йўналишига уларнинг қарашларини номувофиқлиги гуруҳ ёзувчиларини кўпчилигини ўткир ижтимоий муаммоларидан қочишга мажбур қилар, қаҳрамонларини

³⁸ Durand M. P., Introduction a la littérature vietnamienne P. 33

³⁹ Литература Востока в новейшее время. М., изд. Московского университета 1977. Б.514

жамият шартларидан ташқарида яратишга интилитарар эди. Бу гуруҳ вакиллари ҳар доим дадиллик билан бўлмаса ҳам, шахсни конфуций таълимотига хос ахлоқий-ижтимоий қатъий қолиплардан озод қилишга ва “европаликлар ҳаёт тарзи”ни ўрнатишга чақирар эдилар. Шу ўринда бир нарсаси эътибор қаратиб ўтишимиз лозимки, европа романтиклари ўзлари учун мисолий дунё, ўзгача бир гўзал чизгилар ила шахсиятни юксак даражага қўйган бўлсалар, Вьетнам романтиклари эса европаликлар ҳаёт тарзини ўзлари учун энг гўзал чизги сифатида танлаганлар.

Айнан шу сабаблар тез-тез ҳаётини ҳақиқатни нотўғри талқин қилишга олиб келар эди. Яъни улар ҳаётни бўрттириб кўрсатишга интилар эдилар. XX аср бошидаги маърифий ғояларни ўзлаштиришга ҳаракат қилишганда, “романтиклар” оддий равишда уларни кучсизлантирар эди, фақатгина европалаштириш шаклига чақирқ қолар эди. Улар европача кийимлар кийишни ҳам тарғиб қилишар эди.

Вьетнам “романтиклари”га субъективлик хос бўлган.⁴⁰ Танқидчи Хоай Тхань вьетнам адабиётидаги романтизм ва реализм орасидаги фарқларни кўрсатаётганида шунини белгилади: ёзувчи асари учун материалларни “ҳақиқий ҳаёт ва қалб – бу 2 та туганмас заҳиралар” дан олиши мумкин. Унинг фикрича, қайси ёзувчи ижодида ҳаётини фактларга субъектив ёндошса, романтикларча бўрттириб кўрсатса ўша романтик бўлади, уларни ўрганиш йўлига туриб ҳаётнинг қонуниятларини асос қилиб олган ёзувчи эса реалистдир. Вьетнамдаги синфий курашнинг авжланиб кетиш шароитида эса ёзувчининг эстетик-ғоявий қарашлари албатта социал тус олган эди, аммо романтиклар жамиятдаги бу қарама-қаршиликларга кўпинча эътибор бермас эдилар, реалистлар эса аксинча бу низоларни ўз асарларида таъкидлаб ўтишга ҳаракат қилишган. Романтиклар адабиётда ижтимоий муносабатлардан юқори турган шахсиятни таъкидлашар эди.

⁴⁰ Литература Востока в новейшее время. М., изд. Московского университета 1977. Б.516

Романтиклар ижодида жамиятга қарши бўлган шахснинг ўзлигини таъкидлашига ва англашига жуда катта аҳамият берилган. Нят Линнинг “Қатъий узиш” (“Доан тует”, 1934) ҳикоясининг қаҳрамони янгиликларга мойил Лоандир. Уни розилигисиз ота-онаси турмушга беришади ва буни эвазига каттагина пул олишади. У севмаган эри ва мустабид қайнонаси билан машаққатли кунларни кечирришга мажбур бўлади. Ёзувчи Лоан учун тасодифий, ана шундай муҳитдан қутилишни уйлаб топади: эри тасодифан пичоқ устига тушиб кетиб ҳалок бўлади. Бу ўлимда Лоандан гумон қилишади, лекин суд томонидан у оқланади. Шундай қилиб ўтмиш билан “қатъий узиш”, Лоаннинг озод бўлиши кураши сифатида эмас (курашга унга жасурлик етишмасди) балки, ҳукумат томонидан билвосита маъқуллаганлигини гувоҳи бўламиз. Ҳикояда ёзувчи ўз қаҳрамонини жамиятдаги муаммолардан юқори қўйишга ҳаракат қилган. Зеро, Лоаннинг озод бўлишга бўлган интилишлари ҳикоя давомида ўз ифодасини топган. Шунингдек, эскирган ахлоқий ақидаларга буйсинишда ҳам шахс озод бўлиши мумкинлиги тўғрисида таъкидлаган эди.

30-йиллардаги ёзувчиларнинг ноодатий воқеаларни излашлари, социал муаммоларига ўсган қизиқишлари адабиётда кутилмаган ва қизиқтирадиган учрашувларга олиб келди. Романтик Хоанг Даога “Оқ йўл” (“Кон дионг шанг”, 1940) романи тегишли бўлиб, Л. Толстойнинг асарларидан илҳомланган эди. Романда Л. Толстойга хос ўзгача интонацион ва лексик нутқлари нинг услубига- тақлидлик сезиларди.

Шундай қилиб Вьетнам романтиклари ўз асарларида жамиятдаги низолар, қарама-қаршиликларни эмас, балки ижтимоий муносабатлардан юқори турган шахсиятни таъкидлашга интилишган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек XX аср ўттизинчи йилларининг бошида Вьетнам халқида француз мустамлакачи ва маҳаллий феодаллар зулмига қарши йирик қўзғолонлар кўтарилган эди.

Бу воқеалар миллий адабиётнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Албатта, Вьетнам воқелигидаги чуқур социал жараёнлар турли ёзувчиларга турлича таъсир кўрсатган эди. Баъзилари миллий озодлик ҳаракатининг кенг қулоқ ёйишидан чўчиб, илгариги демократик маслакларидан бош тортдилар ва тушкунликка юз тутдилар; бошқа бирлари, аксинча, ўз халқининг ҳаққоний курашида янада фаол қатнашдилар.

30 йилларнинг ўрталарида мустамлакачилар Вьетнамдаги инқилобий ҳаракатни бостирганларидан кейин бу икки гуруҳ яққол ажралиб қолди. Демократик кучларга қарши бошланган террордан кўрққан баъзи шоир ва ёзувчилар «санъат-санъат учун» деган шиорни тарғиб этиб, ноумидлик билан сўлгин гуллар ва бахтсиз севги ҳақида куйлай бошладилар.⁴¹

Бироқ, шу ўттизинчи йилларда вьетнам адабиётида бошқа бир йўналиш — танқидий реализм йўналишининг белгилари ҳам пайдо бўлди. Бу йўналиш турли тушкунлик оқимларига қарши курашда ривожланди, шаклланди ва мустаҳкамланди.

Реализм поэтикасини тарғиб этган янги адабий кучлар кенг кўламда адабий мунозара ўтказишди, бунда «санъат -санъат учун» деган шиор танқид қилинди.

Вьетнам танқидий реализм прозасининг шаклланишига ўзаро таъсир қилган муҳим ижобий омил бу Вьетнамда пешқадам қарашларининг тарқалишидир. 1935-йилнинг қонуний матбуотида санъатнинг мантиқи, ўрни, мазмунлиги ва ёзувчининг жамият олдидаги юксак бурчи тўғрисида баҳс-мунозаралар нашр қилинади. Бу баҳс-мунозараларда «санъат-санъат учун» шиорининг тарафдорлари ҳам иштирок этдилар, улар бир-бирига қарама-қарши нутқлар билан чиқишди. Танқидий реализм муаммоси, яъни воқеяликни объектив тасвир этиш ва типологик характер яратиш -

⁴¹ Рассказы вьетнамских писателей. Изд.Москва 1960г. Б.15

баҳсларнинг асосий ва марказий мавзуси эди.⁴² Баҳснинг ўзи реалистик адабиётнинг ривожланишга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққанди ва у бевосита истеъдодли ёзувчи Нгуен Конг Хоаннинг “Актер Ти Бен” (“Кен Ти Бен”, 1935) ҳикояли тўпламидан бошланган эди.

Реализм рақиблари ошкора қаршилиқ қила олмадилар. Лекин уларнинг мулохозаларида жамиятда реализмнинг чуқур илдиз отган ижтимоий аҳамиятини йўққа чиқаришга бўлган интилиш сезилиб турар эди. Зеро, адабий рақиблар воқеликни тасвирида ижтимоий шартланишдан воз кечишни таклиф қилдилар.

Реалистлар «санъат-санъат учун» шиори тарафдорларининг қарашларини асосизлигини кўрсата олишди ва “Санъат-ҳаёт учун” принципини таъкидлашди. Ёзувчи Нгуен Динь Тхи айтиб ўтгандай, айнан шу баҳсдан сўнг, вьетнам адабиётида “реализм- ҳақиқий англашилган тамойил” бўлиб қолди.

Ўша йиллар вьетнамда танқидий реализм адабиёти катта ютуқларга эришди: бошида миллий анъаналар таъсири натижасида новелла ва очерк ривожланган бўлса, эндиликда реалистик роман пайдо бўлди. Бунинг устига Вьетнам реалистик романи ва қиссани шаклланишида умумий жараёнларнинг муҳим қисми - вьетнам адабиётида дехқон мавзусининг шаклланиши бўлди. Зеро, Вьетнам реалистлари учун шахснинг эмансипация (озод бўлиш) муаммоси жуда жиддий аҳамиятга эга бўлса-да, реалистларнинг ижодида кўпинча олий қатлам жамоалари эмас, асосан оддий меҳнаткаш халқ ҳақида ёзиларди.⁴³ Айнан реалистларнинг ижодида вьетнам адабиётининг инсонпарварлик анъаналари ва энг аввало бечора-ночорларга бўлган эътибори ўзининг кетма-кетлик ривожланиш тусини олди. Ушбу реалистик асарларда кўпинча бош қаҳрамон халқдан чиққан оддий инсон бўлди. Бунга мисол қилиб машҳур ёзувчи Чан Тиеунинг

⁴² Рассказы вьетнамских писателей. Изд. Москва 1960г. Б.15

⁴³ Литература Востока в новейшее время. М., изд. Московского университета 1977. Б.514

“Хўкиз” (“Кон чеу”, 1938) романини келтириш мумкин. Унинг бош қаҳрамони камбағал дехқон – бутун ҳаёти давомида хўкиз сотиб олишни орзу қилади. Лекин орзусини амалга ошира олмайди. Мазкур роман ҳақида ёзувчи ўз фикрини билдираётганида ўқувчиларининг эътиборига шуни таъкидлайди: “Қизиқишлари тор бўлса ҳам, ҳаёт бир хил тарзда кетса ҳам – кичкина одамнинг ички дунёси бебаҳодир!” Яъни реалистлар оддийгина инсоннинг реал дунёси чегараланган бўлса ҳам, унинг маънавий олами жозибали, бебаҳо эканлигини таъкидлаганлар.

Вьетнам реалист ёзувчилари ҳаётни ўрганишда натуралистик тасвирга мойиллик борлигини намойиш қилдилар.

Вьетнамда реалистик адабиётнинг вужудга келиши Ву Чонг Фунг, Нго Тат То, Нгуен Хонг, Нам Као, Чан Данг, То Хиу, Нгуен Конг Хоан номлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Фикримизнинг исботи сифатида Нго Тат Тонинг “Чирок учди” (Тат Ден 1939) ҳикоясини келтиришимиз мумкин. Ҳикоя мустамлака-феодал Вьетнамда меҳнаткаш дехқон ҳаёти туғрисида ёзилган бўлиб, жамиятдаги қарама-қаршиликлар, тенгсизлик, қонунсизлик, қашшоқлик ва бойлик асосида яратилган. Ҳикояда биз фақатгина жамият қарама-қаршиликлар мотивларидан ташқари оддий одамнинг мустамлакачилар устидан ахлоқий устунлигини кўришимиз мумкин. “Чирок учди” ҳикоясининг марказида ёш хизматчи Зау образи тасвирланган бўлиб, унинг тақдири инқилобдан олдинги вьетнамликлар учун одатийдир. У қарзини тўлай олмагани учун қамоққа олинади. Бетоб эрини кутқариш учун дахшатли ишга журъат этади- ўзини, етти ёшли қизини Куэ исмли бойга сотади. Куэ ҳам сутхўр, ҳам ёлғончи бўлади. Ночор аҳволга етиб борган Зау, унга азоб берганларга қарата мушт кўтарган сахна ҳикояда ниҳоятта аниқ тасвирланган.

Нго Тат То амалдорлар ва қишлоқ бойлари тўғрисида ёзганда, ҳар доим устиларидан ҳажв қилиши сезилади. Ёзувчи шу доирада яна порахўрлик ва маънавий бузилиш аҳволини кўрсатади. Ҳикоя давомида

Зау бир амалдорнинг уйига хизматкор бўлиб ишга жойлашади. Афсуски, барча амалдорлар сингари ўша амалдор ҳам Зауга нисбатан айёр ниятларни амалга оширмоқчи бўлади. Аммо Зау ифлос амалдор кўлидан кутилиб кетади ва бой хонадонда энага бўлиб ишлай бошлайди. Энди у солиқ тўлай олади ва эрини кутқаради. Лекин бой хонадониди ҳам Зауни янги мусибатлар кутади ва у бой хонадонини тунда тарк этишга мажбур бўлади. Ҳикояда ёзувчи барча амалдор ва ер мулкдорларига танқидий фикр билдириб, уларни “қоғозга ўралган ҳолда” фош қилишга уринган.

Яна бир танқидий реализм вакили Нгуен Хонг ҳам ўз асарларида танқидий реализмнинг белгиларини ёритиб бера олган. Унинг “Ўғри қиз” (Би во, 1938) ҳикояси - алданган ва ташлаб кетилган қишлоқ қизи Бинь тўғрисида. Амалдорлар ундан боласини тортиб олишади, у эса Хайфонга қочади ва “хушчақчақли уйга” тушиб қолади. У ерда ўғриларнинг сардори бўлган Намни учратади. Нам образи романтик планда тасвирланган эди: муаллиф уни ўзича ёқимли, бағри кенг ва дўстлар билан олий жаноб муносабада бўладиган шахс қилиб кўрсатади. Нам Биньга уйланади ва уни ўзининг “ўғрилиқ хунарига” ўргатиб кўяди. Бахтсиз аёлнинг азоб чекиш мавзуси психологик-ахлоқий нуқтаи назарда берилган:

Bình yêu Nam, nhưng anh ay yêu đến cô tôi, thì còn gì bằng nữa Tôi hôm nay, cuối trời canh hai, xin mời ông lại chơi nói chuyện

*Бинь Намни севади, аммо унинг нопок, виждонсиз ҳаётидан қийналарди. У ўғрилар дунёси ичидан инсоний учқунларни қидира бошлайди.*⁴⁴

Ҳикоя якуни фожияли якун топади. Нам қимматбаҳо нарсаларни ўғирламоқчи бўлганида тасодифан бир болани пичоқлаб кўяди, бу бола эса Биньнинг ўғли бўлади. Бинь ва Намни ҳибсга олишади. Шундай қилиб Бинь ҳалол ва меҳнаткаш ҳаётидан воз кечганига жазо олади. Муаллиф унинг фожияли тақдири негизини жамият ҳаётидаги шароитларда кўради.

⁴⁴ Tong Tap Van Hoc Viet Nam. Nha xuất bản khoa học xã hội – Hà nội 1980. Б.23

Демократик фронт даврида реалист ёзувчиларнинг асарларида – меҳнаткашлар манфаатлари учун курашувчи ҳимоячининг образи пайдо бўлди. Нгуен Хонг “Хитойлик она” (Мот нгыой ме Чунг куок, 1939) ҳикоясидаги оддий хитой аёли образи шундай тасвирланган. Бу ҳикоя қаҳрамонасининг руҳий ўзгариши тўғрисида, у муҳтожлик ва кундалик ташвишилари билан эзилган, бошқа ночор хитой қочокларидан ҳеч фарқ қилмайдиган, оддий одамдан меҳнаткашлар иши учун кўрашувчига айланади ва меҳнаткашларнинг интернационал биродарликни жонли намунаси бўлиб қолади.

Ўша пайтдаги вьетнам адабиётида ўзига хос йўналишда ижод қилган реалист Ву Чаунг Фунг (1912-1939) бўлган. Қисқа ҳаёт давомида у кўп асарлар яратган. У ўша пайтда яратган ҳикояларида биринчи навбатда жамиятдаги икки категория одамларни ўрганади: биринчилари пўл қудрати йўлидан “туб остига” ташланганлар, иккинчилари эса муттаҳамлик ва разиллик билан бойлик ва иззатга эришганлар. Ву Чаунг Фунг ҳар хил социал табақаларнинг ҳаётини ҳаракатларда ва ўзгаришларда кўрсатишга ҳаракат қилган.

XX асрнинг 30 йилларидаги Вьетнам адабиётининг таҳлили, адабиёт олдиға ҳаёт томонидан қўйилган мураккаб ва турли-туман вазифалар шуни кўрсатадики, вьетнам реалист ёзувчилари ўзларининг олдиларига қўйилган вазифани муваффақият билан бажарганлар.

2.2 Нгуен Конг Хоанг ва Нам Као ижодларида реалистик ҳикояларнинг ўзига хослиги

40-чи йилларда Август инқилоби арафасида, вьетнам реалистик ёзувчилари янги йўналишларни излай бошладилар. Ўша пайтларда қаҳрамон психологиясини чуқур ўрганиш тамойили белгиланган эди ва буни ёзувчилар Чехов ва Достоевскийдан ўрганганардилар, уларни эса француз таржималаридан танишар эди.

Ўша йиллардаги Вьетнам реалистик адабиётини Нам Као ва Нгуен Конг Хоанларнинг номларисиз тасаввур қилиш қийин.

Нгуен Конг Хоан Вьетнамнинг тажрибали ёзувчиларидан бири. Жумладан, сатирик ва юмористик ҳикоялар ёзишда истеъдодли ёзувчи Нгуен Конг Хоаннинг хиссаси катта бўлган. У асосан “оддийлик мантиқсизлигини” очиб беришга ҳаракат қилган, яъни мустамлака ярим феодал бўлган Вьетнам учун одат бўлиб қолган мантиқсизликни кўрсатган. Унинг “Телба” (“Тханг диен”, 1935) номли ҳикоясида бир камбағал деҳқон шаҳарли бадавлат жанобга мусибатида ёрдам беради, жаноб эса уни меҳмонга таклиф қилади. Бечора соддалиги билан ҳақиқатдан бойнинг уйига келади. Бой уни танимасдан, телба деб ҳайдайди. Деҳқоннинг қилган иши мантиқдан, чунки инсонпарварлик одамларга хос ҳислат, аммо, бой бу нарсани мантиқсизликка айлантиради.

Нгуен Конг Хоаннинг ҳикояларида турли хилдаги ҳажвий маъноларни топиш мумкин. Шунингдек, истеҳзодан гротескча (адабиёт ва санъатда ортиқ муболаға билан бўрттириб тасвирлаш услуби) бўлган мойиллик ёзувчининг асарларида яққол кўзга ташланади.

Нгуен Конг Хоан асосан танқидий нишон сифатида – порахўрлик ва судхўрликда кўмилиб кетган амалдорларни, оддий халқнинг қурқоқлигидан фойдаланган кишлок бошқарувчиларини, заминдорларни танлаган эди. Нгуен Конг Хоаннинг ҳикояларида жамиятдаги ижтимоий муаммолар кўтарилганлиги сабабли катта социал ўткирлик сезилар эди.

Вьетнам танқидий реализм адабиёти бадавлат буржуа, ер мулкдори ва амалдорларни, эски тузумли ижтимоий ҳаётни кулгули, ҳатто масхара даражасига кутарганлиги билан ажралиб туради. Нгуен Конг Хоанг ўзининг “Берк куча” номли асарида амалдорлар ва “халқ депутати” Лайнинг масхара образини яратган. У гиёҳванд, фитначи ва қонхур бўлибгина қолмай, айёр қилмишлари билан деҳқонларни уриштиради, уларни хонавайрон қиладиган судлашувга олиб келади, қарзларга

тушириб, ерларини тортиб олади. Унинг қурбонларидан бири – ёш деҳқон Фа исмли йигит бўлади. Ҳикоя мобайнида ёзувчи Фанинг эволюциясини кўрсатади, яъни амалдорнинг ваъдаларига сўзсиз ишонган, соддадил ва қурқитилган қишлоқ йигитидан, зийрак ва дадил одамга айланади, ўз ҳуқуқини ҳимоя қила бошлайди. Асар сўнгида Фа амалдорлар ва “халқ депутати” Лайнинг устидан ғалаба қозонади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек Нгуен Конг Хоан барча асарларида жамиятдаги ижтимоий муаммоларни кўтарган ва ушбу муаммоларнинг сабабчиларини хажвий тарзда танқид қилган.

Нгуен Конг Хоаннинг охириги китоби “Деҳқонлар ва ер мулкдорлари” номли ҳикоялар тўплами бўлиб, у китобхонлар томонидан жуда катта қизиқиш билан қабул қилинган ва ҳозиргача севиб ўқилмоқда. Ушбу тўпламдан ўрин эгаллаган ҳикоялар Нгуен Конг Хоаннинг ижодида асосий мавзу ҳисобланган деҳқонлар мавзусига бағишланган. Унинг яратган ҳикоялари тилининг равонлиги, образларнинг ҳаққонийлиги билан китобхонлар диққатини ўзига жалб қилади. Хусусан, ёзувчининг қишлоқ амалдори- халқ душмани ва мунофиқ киши тақдирини тасвирлашга бағишланган “Мунофиқ” номли ҳикоясини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Ҳикояда бутун умри давомида ўз халқига хиёнат қилиб, душманларнинг ёрдамчисига айланган Май исмли амалдор ҳақида сўзланади. Май мансаб, обрў учун ўзлигидан, инсонийлигидан воз кечади. У душманларга қўшилиб ўз халқини азоблайди ва бундан заррача афсусланмайди. Муаллиф ушбу ҳикоясида кинояни кучайтиради ва ҳикоя якунида ўз қаҳрамони яъни мунофиқ қилган гуноҳлари учун жазо олган сахнасини моҳирона тасвирлаб беради. Шунча йил давомида ўз халқидан воз кечиб душманларга ёрдамлашган Май ҳикоя якунида ўз ишини битириб бўлган душманлар томонидан отиб ташланади. Мунофиқнинг ўлими муаллиф томонидан кучли ва таъсирли иборалар орқали берилади

ва бу билан эски хукмрон синф ҳалокатининг символик тасвири кўрсатилади.

*.....Nay nhân thông thả, góp nhặt mấy câu chuyện khôi hài, chép ra để anh em cùng xem cho vui. Những chuyện này cũng có nhiều câu lý thú, nhưng mà lời lẽ thường không được thanh nhã lắm; bởi vì rất là chuyện góp: khi năm ba anh em vui chơi, hoặc thấy lắm sự buồn cười, hoặc thấy nhiều điều trái đở, cho nên đặt ra chuyện để mà bài bác, không giữ gìn lời lẽ. Tuy rằng suồng sã, song vẫn là câu nói thường; ý tứ không cao xa, nhưng mà chính là sự thực....*⁴⁵

....Юк машинаси қушдек учиб борар, Май бўлса қўлларини икки томонга ташлаган ҳолда ерда ётарди. Шамол унинг ипак шарфи билан ўйнашар, йиртилган кийимлари орасидан унинг танаси кўриниб турарди.

Ҳалиги йиқилишда Майнинг юзи таниб бўлмас даражада, озги-бурни қоп-қора қонга беланган эди....

Ҳикоянинг бундай якун топиши бир томондан Майга ачиниш ҳиссини пайдо қилса, яна бир томондан кишини қувонтиради. Зеро, Май ўз манфаати йўлида ҳаттоки ўзининг оиласи ва қишлоқдошларини қириб ташлашда етакчи ролни эгаллайди. Нгуен Конг Хоаннинг ушбу ҳикояси ҳам тамомила танқидий реализм йўналишида ёзилган бўлиб, жамиятдаги ижтимоий муаммолар моҳирона очиб берилган.

Ўша йиллар Нгуен Конг Хоан сингари бошқа реалист ёзувчилар ҳам ўзларининг яратган асарларида дехқонлар мавзусини бош мавзу қилиб танлаганлар. Кейинчалик эса реалистик асарларда дехқонлар мавзуси билан бир қаторда шаҳарларнинг қуйи ҳаёти мавзулари ҳақида ёза бошлаганлар. Шунингдек, таниқли ёзувчи Нам Каонинг ижодида ҳам дехқонлар ва шаҳарларнинг қуйи ҳаёти мавзуларини учратишимиз мумкин.

⁴⁵ Tong Tap Van Hoc Viet Nam. Nha xuất bản khoa hoc xa hoi – Hà noi 1980. Б.65

Нам Као (1941-1951) 40-чи йилларда Вьетнамда танқидий реализмнинг кўринарли вакиллардан бўлган. Машҳурликни унга “Ти Фео” (1941) ҳикояси олиб келган. Ҳикоянинг қаҳрамони – тубанлашиб кетган, доимо маст ва май учун ҳар қанақа жиноятга тайёр Ти Фео – “қишлоқ ҳаётининг идиотизм” рамзи ва уни қурбони, ҳамманарсадан ва ҳаммадан ғазабланган инсон эди. Аммо шу маҳлуқнинг қалбининг туб-тубида инсонийлик учқунлари сақланган эди. Ҳикоядаги битта тасодифий эпизод - уни аёл билан учрашуви, Ти Феода инсонийлик учқунларини уйғотиб, маст ҳолидан чиқаради ва инсонлар ҳаётига қайтаришга сабаб бўлади. Лекин уни ахлоқий тикланишининг беҳуда орзулари Ти Феони ўлимга олиб келади. Ёзувчи, ўз қаҳрамони учун янги ҳаётга бўлган реал йўлни кўрмайди, чунки жамиятдаги шароитлар унга қулайлик бермасди. Ти Фео ҳалок бўлади.

Мустамлака-феодал жамиятда ўз қобилиятларини ишлатиш йўлини топмаган, ижодий меҳнаткаш инсон фожияси – Нам Каонинг севимли мавзуси бўлган. Унинг “Эскирган ҳаёт” (“Шонг мон”) номли асари шулар жумласидандир. Ҳикоя қаҳрамони – хусусий мактаб ўқитувчиси Тхы. У кучга тўла ва жамият учун фойда келтиришини орзу қилиб яшайди. Аммо унинг ҳаёти бир коса гуруч ташвишида ўтарди. Тхы рузғор ботқоқлигидан чиқиб кетишни жуда хоҳлайди, у эркин ва янги нафасни кутади, лекин ҳаммаси бекор.

Тхы осонгина таслим бўладиганлардан эмас. Фикрловчи, азобланувчи ва ёлғиз одам, у фақатгина ўзи учун эмас, балки ҳамма учун яхшироқ келажакни орзу қилади. Тхы ўша даврдаги ҳаёт тарзининг шартларини қабул қилмасди.

Chẳng may bếp nguội, thổi mãi không được; chị ấy mới chống hông, ghé mồm, lấy hơi, phòng má, thổi một cái rõ mạnh. Không ngờ vãi ngay ra một cái “bủ Nói rồi, liền đứng dậy, ra bộ đi thật. Chị con gái thấy thế, sợ

*cuống, vội vàng chạy lại nắm áo ông lão mà kêu xin rằng m”. Ông lão giật mình, ngồi nhồm dậy, nhìn cô ả, rồi thở giọng vởi rằng.*⁴⁶

“У ўйларди – қачонгача бир одам тўйиб ейиш учун бошқасининг қулидан овқатини тортиб олишга мажбур бўлса, қачонгача инсон ўзини ботқоқликка тортиб кетмасин деб бошқаларни оёқ ости қилишга мажбур бўлса, ушанда инсоният ифлос, шафқатсиз ва эгоистик қолаверади. Шу ҳаётни ўзи заҳар.”

Иккинчи жаҳон уруши бошланди, яқин орада инқилобнинг тозаловчи бурони бутун мамлакат бўйлаб ўтади. Аммо ҳозирча сукунат, лекин Тхы пойлайди, ҳаёт эса “эскиряпти”, мақсадсиз ўтиб кетяпти.

*..... Ông ta chẳng buồn trở dậy, bảo chị kia rằng*⁴⁷

“.....у ҳеч нарсани амалга оширмасдан, ҳаёт нималигини англамасдан ўлади”.

Муаллиф, қаҳрамонининг руҳий азобларидан ташқари, унинг инертлигини (ҳаракатсизлик), ҳаётини ўзгартириш учун ҳеч нарса қилмайдиган қилиб кўрсатади. Нам Као яратган ҳикояларнинг аксарияти реализмнинг ижтимоий-психологик чизиғи остида яратилган десак муболаға бўлмайди. Зеро, реализмнинг ижтимоий-психологик чизиғи остида яратилаган асарларда, асосан қаҳрамоннинг ички туйғулари, унинг психологиясига чуқур эътибор берилади.

Нам Као инсон қалбининг ўткир кузатувчиси, нозик тасвирчи ва ҳар хил ташқи таъсирларга бегона, киши сифатида бизнинг олдимизда намоён бўлади.

Нам Као ўзининг сермахсул ижодий фаолияти давомида йиллар мобайнида мамлакат ҳаётида рўй бераётган янгиликлар, ўзгаришлар, инқилобнинг гувоҳи бўлган ҳамда давр талабига мослашган ҳолда ижод

⁴⁶ Ўша асар, Б.136.

⁴⁷ Ўша жойда.

қилган. Бунга мисол қилиб Нам Каонинг 1945 йилларда ижодидаги ўзгаришларни келтиришимиз мумкин.

Бутун инсоният учун аҳамиятли 1945 йил, Вьетнам тарихида ҳам катта ўзгаришлар йили бўлган.

Ёш республиканинг биринчи йили - қийин, ҳавфли ва қувончли бўлган: қийин – чунки мамлакатда очлик, хўжаликлар вайрон бўлган; ҳавфли – чунки инглиз, француз қўшинлари ҳалиям Вьетнам ерини босиб турар эдилар, қувончли – чунки халқ чуқур ижтимоий ўзгариш пайтини англаганди. Бу пайт, эскича қолиб кетган барча нарсаларнинг бўзилиши ва янгиликни яратиш пайти эди. Олдинги мустамлака давлатнинг жамият ва маданият ҳаётида кўринмаган ўзгаришлар кўзга ташланар эди: Ханойнинг ўзида 50га яқин газета ва журналлар чоп этила бошлади. Табиийки, инқилобдан сўнгги биринчи йил янги адабиётнинг туғилиш йили ҳам бўлган.

Ўтқир ғоявий курашларда янги адабиёт туғилган эди, унинг ривожланишининг аниқ йуналишлари ҳақидаги масала ечиларди. “Энг аввало биз халқ оммаси томонида туришимиз ва ишга киришимиз керак –деб атоқли танқитчи Данг Тхай Май маданият ишчиларни шу ишларни қилишга чақирганди. – Халқ билан яшаш, унинг ташвишлар билан ташвишланиш, унинг фикрлари билан фикирлаш, умидларига ишонч қилиб яшаш бизнинг вазифамиздир”. Вьетнамнинг шу давридаги адабиёт жараёни бундан олдин бўлмаган интилишларнинг хилма-хиллиги ва энг илғорлари бир-бирига яқинлашуви билан ифодаланар эди.

Шунга кўра, Нам Каонинг ижодида ҳам сезиларли ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. Зеро, ўша даврга келиб Нам Као ўз ҳикояларида фош қилишга бўлган интилишни кучайтирди. Энди унинг ҳикояларида зулмнинг кучларига қарши якка курашчи эмас, балки, ўзининг кучига ишонган халқ оммаси турарди. Бунга мисол қилиб унинг “Жасур аёл” ҳикоясини келтиришимиз мумкин. Ҳикояда ёзувчи ҳукумат томонидан

амалга оширилган ўғрилиқ, ноҳақлик каби адолатсизликлардан ғазабланган деҳқонларнинг оммавий кўтарилиш манзарасини моҳирона тасвирлаб беради.

Ҳикоянинг қахрамонаси Нюн образи янги одам, зулм дунёсига қарши чиққанларнинг, омманинг бошловчиси сифатида номаён бўлади. У ҳамқишлоқларини бир ёқадан бош чиқаришга ҳамда бирлашиб ноҳақликларга чек қўйиш сари даъват этади. Ҳикоянинг кулминация қисми Нюннинг мақсадига эришиши, яъни барчани бирлаштирган ҳолда ўғри, текинхўр амалдор ва ер мулкдорларини фош қилиши, уларга жазо беришга сазовор бўлиши билан кўрсатилади. Табиийки ушбу эпизод ҳикоянинг ечими бўлиши мумкин эди, аммо муаллиф ушбу ҳикоясида ҳам ўзининг сеvimли мавзуси – меҳнаткаш инсоннинг фожеасидан воз кечмайди. Ҳикоя Нюннинг оғир ҳасталикка дучор бўлиши ва бевақт дунёдан кўз юмиши билан якун топади.

Вьетнамда энг кўзга кўринган ҳамда барча китобхонларнинг сеvimли ёзувчисига айланган, машҳур реалист Нам Каонинг яратган асарларидаги таъсир кучи ва бадиий гўзаллик шундан иборат эдики, у замонавий ҳаётни - янги бадиий усуллар билан очишга ҳаракат қилар эди.

Нам Каонинг сермахсул ижодий фаолияти ва яратган ҳикояларининг таҳлилини тадқиқитимизнинг 3-бобида давом эттирамиз.

Вьетнам адабиётида XX асрнинг 40-йиллари Нам Као сингари қатор реалист ёзувчилар ҳам ўзларининг яратмоқчи бўлган асарлари учун ўша даврга мослашган ҳолда мавзу танлаганлар ва ўша даврдаги манзараларни тасвирлашга интилганлар.

Кейинчалик эса, улар қаторига ҳозирги замон Вьетнам адабиётига асос солган кўпгина бошқа реалист ёзувчи ва шоирлар ҳам қўшилдики, улар мустақилликни қўлга киритиш ва 1945—1954 йиллардаги Қаршилик курашлари даврида майдонга келдилар ҳамда мустақиллик мавзусида куйлай бошладилар.

II БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

XX асрда Вьетнамда янги кўринишдаги адабиёт вужудга келиб, қарор топди ва ривожланди. Вьетнамликлар учун янгилик бўлган янги давр насрий жанрларнинг, хусусан, янги ҳикоянинг пайдо бўлиши, адабиёт тузилишининг эркинлашуви бу адабиётни новатор деб ҳисоблашимизга имкон беради.

Авваламбор, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Вьетнам адабиётида ҳикоя жанрининг келиб чиқиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. Аммо, вақт ўтиши билан анъанавий ҳикоялар ўрнини янги типдаги ҳикоялар эгаллади. Вьетнам ҳикоянавислиги тараққиёти учун хос бўлган ижодий йўналишларнинг шаклланиши 3 босқичга бўлинади:

1. Маърифатпарварлик даври
2. Романтизм даври
3. Реализм даври

Маърифатпарварлик даврида Вьетнамда матбуот ва таржима етакчи ўринни эгаллади. Вьетнам халқи ўз адабий мероси ҳамда тариққий топган Ғарб адабиётини чуқур ўрганиб, ўзлаштирган ҳолда миллий адабиётни ривожлантиришга бел боғлади.

Вьетнам ҳикоянавислиги ўз ривожланиш йўлининг илк даврида, яъни XX асрнинг 20-30 йилларида ўзига хос кўринишдаги романтик йўналишни тараққий этди. Атроф-муҳитдаги адолатсиз ҳаётдан норози бўлиб, орзу-умидлари поймол бўлган халқ оммаси тушкунлик кайфиятига тушиб қолади ва ана шундай руҳий тушкун кайфият вьетнам романтик ёзувчилари ижодида ўз аксини топади. Қолаверса, Вьетнам романтик ёзувчилари ҳар доим дадиллик билан бўлмаса ҳам, шахсни конфуций таълимотига хос ахлоқий-ижтимоий қатъий қолиплардан озод қилишга ва “европаликлар ҳаёт тарзи”ни ўрнатишга чақирар эдилар. Эътиборга молик

жиҳати шундаки, европа романтиклари ўзлари учун мисолий дунё, ўзгача бир гўзал чизгилар ила шахсиятни юксак даражага қўйган бўлсалар, Вьетнам романтиклари эса европаликлар ҳаёт тарзини ўзлари учун энг гўзал чизги сифатида танлаганлар. Шунингдек, романтиклар яратган ҳикояларда жамиятга қарши бўлган шахснинг ўзлигини таъкидлашига ва англашига жуда катта аҳамият берилган.

Вьетнам ҳикоянавислиги кейинчалик реализм босқичини босиб ўтди. Реалистик ҳикоялар композицион нуқтаи назардан раво ва уйғун ҳолатга келди. Бу йўналиш турли тушкунлик оқимларига қарши курашда ривожланди, шаклланди ва мустаҳкамланди.

Ўша йиллар вьетнамда танқидий реализм адабиёти катта ютуқларга эришди. Вьетнам реалистик ҳикояларнинг шаклланишида умумий жараёнларнинг муҳим қисми - вьетнам адабиётида деҳқон мавзусининг шаклланиши бўлди. Зеро, Вьетнам реалистлари учун шахснинг эмансипация (озод бўлиш) муаммоси жиддий аҳамиятга эга бўлса-да, реалистларнинг ижодида кўпинча олий қатлам жамоалари эмас, асосан оддий меҳнаткаш халқ ҳақида ёзиларди. Айнан реалистларнинг ижодида вьетнам адабиётининг инсонпарварлик анъаналари ва энг аввало бечорачорларга бўлган эътибори ўзининг кетма-кетлик ривожланиш тусини олди. Ушбу реалистик асарларда кўпинча бош қаҳрамон халқдан чиққан оддий инсон бўлди.

Кейинчалик эса реалист ёзувчилар ўз ҳикояларда деҳқонлар мавзуси билан бир қаторда шаҳарларнинг қуйи ҳаёти мавзулари ҳақида ёза бошлаганлар.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, 1930-1945 йиллардаги Вьетнам адабиётида реалистик йўналишни романтик йўналишга қарама қаршилиги яққол сезила бошлади. Бу эса романтик ва реалист ёзувчиларнинг янада яхшироқ ижод қилишга, янгилик излашга ва яратишга туртки бўлди.

XX аср вьетнам реалистик ҳикояларининг ўзига ҳосликларига тўхталадиган бўлсак, ҳикояларда воқеалар тизими табиий равишда кечиб, асарнинг туб моҳияти ва ғоясини очишда ёзувчилар ташқи деталлар ва нафис чизгилардан унумли фойдаланганлар.

**3-БОБ. ВЬЕТНАМ ҲИКОЯНАВИСЛИГИДА 1950-1960
ЙИЛЛАРДАГИ ТАМОЙИЛЛАР**

3.1. Қаршилик уруши йилларида Вьетнамда адабий муҳит

Вьетнам халқининг Қаршилик уруши (1946-1954) - француз мустамлакачиларга қарши, озодлик ва мустақиллик учун кураши, ёш вьетнам адабиётига ҳақиқий мактаб бўлиб, янгиликни излаш ва новаторлик билан ажралиб турар эди. Бу пайтдаги адабиёт, олдин деярли саводсиз бўлган халқнинг бойлигига айланди. Адабиёт тилнинг ва баъдий шакллarning халққа мослаштирилиши давом этаверди, бу халқ орасида машҳур бўлган жанрлар “казао”, “чуен” ва кейинроқ “тео” ларнинг кенг тарқалиб кетишида кўринади.⁴⁸

1948 йилда вьетнам ижодий зиёлилар анжуманида адабиёт ва санъат ижодкорлар уюшмасини ташкил этди. Кўпчилиги буржуазия интеллигенция муҳитидан чиққан ёзувчилар олдига – халқ оммаси билан яқинлашиш; ишчи, деҳқон ва аскарларнинг истак ва умидларини тушуниш, уларнинг орзулари ва интилишлари билан яшашни ўрганиш, озодлик курашининг бир мақсади учун туғилган жамоаларни юракдан қабул қилиш вазифаси қўйилган эди. Ҳам олдинги авлод ёзувчиларига, ҳам Қаршилик уруш йилларида биринчи марта қўлларига қалам олган ёшларга ички ўзгартиришлар йўлига ўтиш осон кечмаган эди.

Истеъдодли ёзувчи ва журналист Чан Данг (1922-1950) ўзининг биринчи “Бир вақт пойтахтда” (Мот лэн тьёй тху до) очеркини 1946 йилда нашр этганди. Бу қисқа-лўнда лавҳаси рамзли мақомга эгадир. Тўрт жангчи аскарлар чироқлар билан ёритилган чиройли, шинам ва қулайлик шаҳри бўлмиш Ханойда юрардилар. Улар сафда кетишарди, лекин биттадан, худди чангалзорларда юргандек, жим боришарди, бу “атрофидаги билан ҳеч қандай боғлиқлиги йўқлигига” ўхшарди. Булар

⁴⁸ Карпов В. Творчество То Хыу- «Современный восток», 1958 №9. Б.56

Қаршилик аскарлари, ватан ғалабаси учун, инқилоб олий мақсадлари учун қаҳрамонлик сари борувчиларидир.

Оғир инқилоб йули ёки тор маиший бемаъни ҳаёт кечириш— қайси йулни танлаш буржуазидан чиққан зиёлиларни олдида замон қуйган масала эди.

Шу давридаги вьетнам адабиёти янги мавзулар ва янги қаҳрамонлар билан бойибгина қолмай, ҳаётни тасдиқловчи аниқ тарихий истиқболнинг бахтли уфқларига олиб келувчи мавзулар, кўпинча чуқур драматизм билан уйғунлашиб кетди, чунки фожиа ва қаҳрамонлик кўпинча бўлинмас бўлади. Инқилобга қадар бўлган кўп ёзувчиларга хос ишончсизликлари, ноумидсизликлари, чарчашлари ўтмишда қолиб кетган эди. Қизиғи шундаки, Нам Каонинг “Эскирган ҳаёт” ҳикоясининг саҳифаларида тушқинлик сезилиб турган бўлса, инқилобдан сўнг яратган чуқур маъноли “Кўзлар” (Дой мат, 1948) ҳикоясида бунинг аксини гувоҳи бўламиз. Ёзувчи - ўз халқининг курашини қабул қилмаган, жамиятдан ажралиб қолган(қочқин)-зиёлига, фикрловчи, бутунлай олдинга интилиб, руҳий чарчоқни силкитиб юборган ва ҳаётини маъносини “умумхалқ озодлиги, мустақиллиги ва бахти” учун Қаршилик урушида курашган зиёлига қарама-қарши қуяди.

Ўша пайтлар Вьетнам адабиётидаги пайдо бўлган янгиликларни баҳолаб вьетнамшунос И. Зимонина шундай ёзган: “Инқилоб, адабиётнинг эстетик идеалларини (олий мақсадларини) ўзгартирди. Буни адабиётда амалга ошириш узоқ изланишларни талаб қилди. Биринчи босқич илғор олий мақсадларни ажратиш, ижтимоий муаммоларни қайта тушинишдан иборат эди. Бу давридаги адабиётда рўй берган ҳамма воқеалар ва зиддиятлар инсонни жамиятга бўлган муносабатларига қаратилган эди, инсоннинг инқилобдаги ўрни ва қаҳрамонларнинг характери ана шу алоқалар ва қарама-қаршиликлар ёрдамида берилган эди. Инсоннинг ижтимоий борлиғи энг аҳамиятли ва аниқловчи нарсаси эди, ғоялик

хукмронлик қиларди. Бу нафосат тарафга озгина лоқайдлик билан қараш бўлди, вақтинча инсон ички дунёсини очиш орқага сурилди ва маълум бир томондан жўнликка олиб келди. Бу ҳаммаси янги адабиётнинг ўсишида деярли йўқотишлар эди”⁴⁹.

Адабиётда янги ажойиб ҳаётӣй материалларини ўзлаштирилиши, ёзувчиларда ҳақиқат фактларига жонли қизиқиш пайдо қилди. Асарларда ҳужжатларга асосланган аниқ интилиш кўрина бошлади.

Биринчи навбатларда бадий ҳақиқат тушунчаси аниқлик ва ҳужжатликка синоним сифатида кўрсатиларди, бу эса келажакда тўқима образларни инкор қилишга ва бадий ижодни “қаноатсизлантириш”га олиб келиш ҳавфини соларди. Ҳўжжатли ва оперативликка асосланган бадий жанр ҳаққонӣй равишда қурол кучи сифатида қараларди.

“Қаршилик” урушининг 1-йилларида очерклар, ҳикоялар, репортажлар, казао шеърларининг устунлик йиллари эди. “1952йилда президент Хо Ши Мин айтганидек, “Ҳозир бизнинг ватандошларимизни таълим даражаси – ўқишга чуқурлашиш имкониятини бера олмайди, бизнинг қоғоз ва сиёҳ тўпламларимиз камлиги сабабидан муфассал ва катта китобларни ёзишни ва нашр этишни иложи йўқ”⁵⁰. Бироқ адабиётнинг оператив ишлари – урушлар оловида туғилган ва уруш йиллар солномаси бўлган – очеркларни, ҳикояларни, казаоларни ва шеърларни ҳақиқӣй бадийликдан ажратмасди, шунинг учун ўқувчининг ҳаяжонланишга ва хурсанд бўлишга имкон туғдиради.

Ажойиб очерклар ва ҳикоялар устаси бўлган Чан Данг кўпгина жанг операцияларда ва душмани орқага чекинтиришларда қатнашган эди. Унинг кўлида ҳар доим қалам ва блокнот бўлган. Ёзувчи урушнинг ҳар бир кунини кўрсатишни яхши кўрарди, айникса унда оммавий сахналари яхши чиқарди. Чан Данг ҳикоя қилишда сўзга ҳасис эди. Инқилобий

⁴⁹ Литература Востока в новейшее время. М., изд.Московского университета 1977. Б. 502

⁵⁰ Ўша жойда.

курашчининг бой ички дунёсини тасвирлашга унга 1-2 та гап етарли бўларди. Оғир жангларда душман билан драматик кураш, фожеали, қатъий тўқнашувлар, уларда дўстларининг ўлимини тасвир этар экан, асар ҳаётбахш руҳи, ярақлаган юмор нурлари билан суғорилган эди. Ушбу тасвирлар унинг “Форанг ёнидаги жанг” – (“Чен Фо-ранг”, 1949) ҳикоясида ёритиб берилган.

Лўндалик ва аниқлик услуби, шахсий “овози”, қарашларнинг ўткирлиги катта ёзуви истеъдодга эга бўлган ёзувчиларда яққол сезилар эди. Машҳур ижодкор Нгуен Динь Тхи – Чан Данг билан 1950 йил охирида тоғли қишлоғидаги охирги учрашуви ҳақида айтиб беради:

“Чан Данг ўзининг иссиқ кийимларини йўқотди ва совуқдан тишлари бир-бирига урилиб турарди. У бизлар билан бир ҳафта яшади, ҳарбийларни адабиёт асосларига ўргатарди. Нунг миллатидан бўлган уй бекасига кўшиқларни ўргатарди, кечкурунлар кечгача олов ёнида кўрпанини елкаларига ташлаб фронт яқинида турган одамлар ҳақида хикоялар ёзарди”. Бу “Йилнинг охирги кунларида” (“Нъинг нгай куой нам ”,1950) ҳикоясида одамлар орасидаги янги муносабатлар туғилиши ҳақида баён қиларди.

Умумхалқ уруши ҳар бир инсоннинг шахсий иши бўлиб қолди ва юксак маънавий кучни талаб қилар эди. Одамлар эса ўша кучни топа олар эдилар. Бу мавзуни ҳарбий ёзувчи Хо Фионг (Т.1930-йил) “Уйдан келган хат”(“Тхи ня”.1949) ҳикоясида кўтарган. Бу ҳикоя ўша вақтдаги кўп прозали асарлардан романтик туйғуси билан фарқ қиларди.

Ёзувчи Нам Као ҳам, замонавий ҳаётни - янги бадиий усуллар билан очишни ҳаракат қилди. У уришдан олдинги йилларда ҳам жуда кўп ҳикоя ва очерклар муаллифи сифатида танилган эди. Унинг кўпгина ҳикояларида унитилмас ва қайтарилмас ўзига хос уруш йилларнинг ҳаёти кўрсатилган, коллективлик ва янги одам образлари асосий тасвирлаш объектлари бўлиб хизмат қилган. Нам Као ўша даврдаги асарларида хали тўла емирилмаган

феодализм зулмини фош этади. У Қаршилик уриши даврида ҳам кўп ва баракали ижод қилди. Унинг ҳикоялари газета ва журнал саҳифаларида босилиб турар, алоҳида тўплам ҳолида ҳам нашр этилди. Унинг энг яхши ҳикоялар тўпламидан бири бўлган “Чегара ҳикоялари” 1951 йилда нашр этилди. Шу йилнинг ўзида душман томонидан босиб олинган ҳудудларда ҳукумат топшириқларини бажараётган Нам Као мустамлакачилар томонидан қўлга тушурилиб, отиб ташланди.

Нам Каонинг “Фронт йўлида” (“Дионг ди мат чан”) номли ҳикояси Қаршилик курашининг дастлабки йилларига таалуклидир. Ҳажми унча катта бўлмаган ҳикояда биз жангчиларни, транспорт бригадаларнинг ишчиларини ва бошқа битмас-тугамас одамлар тасвирларини топамиз – бир мақсадга интилганларнинг жўровозларини эшитамиз. Нам Као бу ҳикояда Вьетнам халқ армиясининг жанговор бир кунини тасвирлаб берган. Ҳикоялар устаси Нам Као икки-уч чизги билан характерни чизиб, бир жумла билан воқеа ривожланаётган шароитни кўрсатиб бера олган. Ҳикоянинг таҳлили давомида бунга гувоҳ бўлишимиз мумкин:

..... chủ nhà vốn đã biết tính thầy nhát và hay nói khóac. Đã ỉa ra nhà nó, mà lại còn trực thuật nó! Nó mới gọi cả nhà đến đông đủ mà bảo rằng:

*Nhà ta nuôi một đàn chó, rất là đồ ăn hại cả. Đêm hôm qua có trộm đào ngạch, thế mà chó không con nào biết gì sót! May có ông đồ, không thì khôn! Thôi đem mà đánh chết cả mấy con chó đi! Từ rày đã có ông đồ giữ nhà hộ....*⁵¹

....байрамларда ҳам одамлар бунчалик кўп бўлишмайди. Жангчилар, халқ ҳаммолларининг сон саноғи йўқ. Отряд кетидан отряд боради. Одамлар, отлар, эшаклар дам олиш учун тўхташади, яна юришади. одамлар тўпланиб боришмоқда, бундай қараганда тартибсизга ўхшаб кўрингани билан бир қатор саф тортиб боришарди...

⁵¹ Van hoc cac dan toc thieu so viet nam– Ha noi 1981. Б.19

«Фронт йулида» номли ҳикояда халқ армияси дастлабки йилларда қандай қийинчиликларга дуч келгани ҳаққоний акс эттирилган. Нам Као ўзининг бу ҳикоясида биргина эпизодни тасвирлайди, лекин шу эпизод орқали халқ армияси дастлабки отрядларининг ғалабага бўлган зўр иродаси, уларнинг жанговарлиги ва қаҳрамонликлари тасвирланади.

Нам Као ҳикояларининг характер тасвирларини аниқлайдиган хусусиятлари бу - инсонни меҳнатда, жангда ва “Қаршилиқ ҳаракатига” бўлган муносабатларида очилади.

Лекин, одамни, жамият олдидаги бурчига бўлган муносабатини ифода этиши, унинг яратган образларини ишончлилигини кўрсатувчи чуқурлик ва серқирралик ҳар доим ҳам етмаслигига олиб келади. Аммо, бу ҳикояларни бошқалардан фарқи, Л.З. Эйдлин ёзишича: “Адабиётга муносиб бўлган публицистик ёзиш одати ва инсон мавжудлик маъносига қарашлари - ревалюция оловида туғилиб, ўқувчиларни янги одам образи асосида тарбиялайди”⁵².

Чан Данг ва Нам Као вьетнам “Қаршилиқ” адабиётининг тарихига, фронт кундалиқ ҳаётини ва оддий одамларнинг қаҳрамонликларини ёзган муаллифлар сифатида киришди. Нгуен Динь Тхи айтишича: “Бу очерклар ва ҳикоялар келажак романларнинг яратилиш ҳаракатларига яхши далил эди”. Бироқ на Чан Данг, на Нам Као ҳеч қайсилари ўз ниятларини амалга ошира олмадилар : иккаловлари ҳам аскар ўлимини танладилар, ўз халқини яқинлашаётган ғалабаси учун ҳаётларини беришди. Аммо уларни ишини бошқалар давом эттиришди.

Ёзувчи Нгуен Ван Бонг “Қаршилиқ” нинг 1-йилларида адабиётга ўзгача кўринишдаги ҳикояларнинг муаллифи сифатида кириб келади. 1952-йилда сиёсий ходим Нгуен Ван Бонг, душманларнинг фронт орқасидаги партизанлик районларидан – озод қилинган ерларга қайтиб келади, у (кўринмас уруш) қаҳрамонлари – партизанлар ҳақида

⁵² “Хорижий адабиёт” №6, 1966 йил (вьетнам тилида) Ханой

“Буқа” асарини яратади. Асар ўқувчиларни психологик анализи билан лол қолдирмайди, фитналар билан қизиқтириб қўймайди. Бироқ унда қаҳрамоннинг индивидуаллашувига ўткир қизиқиш кўзатилади. Оддий халқ характери асосида ёш партизан Чо тасвирланган, у озгина бесўнақай ва камгап, катта мардлик эгаси, ҳамда қачонки ким жамият манфаатларига қаршилиқ ва лоқайдлик кўрсатса ёки гапирса, унга нисбатан қаҳрамон бешавқат эди, лекин шунинг билан бирга Чо чуқур инсоний туйғуларни сезишга қодир эди.

1951 йилда ёш кончи Во Хюи Тамнинг “Кўмир ҳавзаси” ишчи синф тўғрисидаги тўплами нашр қилинди. У 16 та иш ташлашларида қатнашган эди ва бошдан ўтказганларини ўз асарларида тасвирлаган.

Во Хюи Там ўз ҳикояларида ишчилар коллектив образини яратади. Ишчилар хўжайинларига, пудратчиларига ва бошқа “қон суровчилар” га қарши курашиш учун бирлашдилар. Во Хюи Там жамиятдаги рўй бераётган кескин синфий фарқланишни моҳирона кўрсатади. Мана ишчи Тят, французлар томонидан дўппосланган (“ёшлари ва қони, кўмир чанги билан аралашган бўлиб, ёноғларида қотиб кетган эди”), бир томонда унинг хотини, орқасидаги боласи билан биргаликда ўроқ билан кўмирни майдалайди. Бошқа томонда эса оқ кўйлак кийган тилла занжирли соати билан, икки қаватли виллада яшовчи Куанг пудратчи тасвирланар эди. Қийноқхонада қаҳрамонона ўлган коммунист Туанни ва уни севган, диндор католик қиздан онгли равишда ишчи синфининг курашчисига айланган ишчи қиз Мин ни образлари муваффақиятли чиққан. Асар ишчиларни иш ташлаш курашининг ғалабаси билан тугайди.

Нгуен Динь Тхи, Нгуен Ван Бонг ва Во Хюи Там ларнинг инқилобдан кейинги асарлари янги қаҳрамон образларини киритилиши билангина чекланмасдан, уларга турли хилдаги янгиликлар, янги мавзулар кўлами кирганини гувоҳи бўламиз. Бу эса Замонавий Вьетнам адабиётини яратишга хизмат қилди.

Кўп ёзувчилар “Қаршилик уруши” йилларида Вьетнамнинг тоғли ва кичик миллатлар яшаган районларга келиб қолишган. Бу минтақалар билан боғланиш вьетнам адабиёти яна бир самарали, ўзига хос ифодали мавзулар билан бойитди. Инқилобдан олдинги Вьетнам сирли ўрмонлари (джунгли) аҳолиси, тоғ халқларнинг ажойиб урф-одатлари вьетнам буржуа ёзувчиларини ҳам ўзига тортарди. Лекин уларни ташқи экзотикадан бошқа ҳеч нарса қизиқтирмасди: на тоғ аҳолисининг табиат билан қатъий кундалик курашлари, на уларнинг озодсеварлиги, душманига асоратга солувчи нафратини, на уларнинг ажойиб қўшиқ ва афсоналари. То Хоай ва Нгуен Хюи Тионг каби ёзувчилар вьетнам адабиётига қайта ўрмон ва тоғ каби жиддий мавзуларни қайтариш масаласини мувоффақият билан амалга оширишди.

То Хоай инқилобдан олдин ёзилган дастлабки ҳикояларида ҳаққонийлик билан Ханой шаҳри билан туташган вилоятдаги ҳунарманд-тикувчиларнинг бахтсиз ҳаётини ва фабрикалар рақобатига чида олмаганлиги сабабли талон-тарож бўлишларини тасвирлаб беради. Унинг “Чигиртка Меннинг саргузаштлари” (Зе мен фиеу лиу ки, 1941) ҳикояси кичкина ўқувчилар яъни болалар орасида катта машҳурликка эга эди. “Қаршилик” уруши бошланганида эса ёзувчи То Хоай халқ қўшини билан тоғларга кетди. Шимолий-ғарбий тоғларда у ўз келажак асарларининг қаҳрамонларини учратади.

1953 йилда То Хоай ўзининг “Шимолий-ғарб ҳикоялари” (Чуен Тэй-Бак), учта китобдан иборат бўлган асарлар силсиласини ёзиб, улардан энг муваффақиятлиси “Мионг Зион” ҳикояси деб тан олинган. Аёлнинг оила истибдодидан, урф-одатларининг ҳукмронлигидан ва хурофатларидан озод бўлиши мавзуси ҳикоянинг марказида туради. Бу қиз Инь, у жасур махфий ташкилотнинг аъзоси бўлиб қолади, қамоқхонага тушганида эса у тайландлик ўқчиларини “Халқ Қўшин”ни томонига ўтишга кўндиради.

Ҳикояда қизнинг жасорати, қатъийлиги ва ақллилиги жуда моҳирона тасвирлар орқали ёритилган.

Гувоҳи бўлганимиздек, Вьетнамда “Қаршилик” уруши йилларида яратилган асарларнинг аксариятидаги мавзулар кўлами миллий озодлик курашига бағишланган бўлиб, уларда юқоридаги ҳикоялар каби қаҳрамонлик чизиглари кўзга ташланади.

3.2. Янги давр вьетнам ҳикоянавислигининг 50- йиллардаги ривожи

Саккиз йил давом этган Қаршилик кураши фақат миллий бахтсизлик, душман билан яккама-якка олишув йиллари бўлибгина қолмай балки Вьетнам халқи учун катта ижодий меҳнат йиллари ҳам бўлди. Бу йиллар орасида қаҳрамон Вьетнам халқи уз давлатини барпо этиб, уни мустақамлади, қишлоқларда феодализмга қарши муваффақиятли суратда кураш олиб борди, янги демократик маданиятнинг пойдеворини курди.

Қишлоқда феодал-ер мулкдорлари мулкчилигини тугатиш юзасидан 1954 йилда бошланган тарихий ўзгаришлар бутун Вьетнам давлатининг қиёфасини ўзгартириб юборди. Бу ўзгаришлар узок вақтгача давом этди. Лекин кўпчилик халқ оммаси аллақачон янги ҳаётни танлади. Аграр реформа халқнинг ижодий кучларини озод этиб, унинг маданий юксалиши учун имкон яратиб берди. Миллионлаб кишиларнинг билим олиш йўлида интилишлари — шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ҳаётининг яхшиланганлигидан далолат беради.

Илгари деярли ёппасига саводсиз бўлган халқ эндиликда саводсизликни тугатиш йўлига ўтди.

Маданият соҳасида эришилган катта ютуқлардан яна бири Вьетнамнинг кўпчилик майда миллатлари орасида янги адабиётнинг

майдонга келганлигидир. Улар орасидан таланти ёзувчи ва шоирлар етишиб чиқди.

Август инқилоби ва урушдан кейинги мамлактадаги тинч ҳаёт шароитлари маданиятнинг бошқа ходимлари олдига қўйгани сингари вьетнам ёзувчиларининг олдига ҳам чуқур ва ҳар томонлама ёритилиши лозим бўлган қатор муҳим масалаларни қўйди. Адолатсизлик ва жабр-зулмга асосланган эски жамиятнинг нуқсонларини фош этиш темаси аста-секин янги тузумни вужудга келтиришда ва уни мустаҳкамлашда кишиларнинг актив иштироки ва янги кишилар темаси билан алмашилиб бормокда эди.

Бироқ ҳамма ёзувчилар ҳам ўз асарларида халқ ҳукуматининг халққа, ватанга келтирган янгиликларини чуқур ва ҳаққоний акс эттириш учун ўзларида етарли ижодий ва руҳий куч топмаган эдилар. Улардан кўпчилиги, шулар қаторида тажрибали ёзувчилар ҳам янги муаммолар қаршисида катта қийинчиликларга дуч келдилар. Вьетнам адиблари учун узоқ вақтгача: «Нима ҳақда ёзмоқ. керак? Ким учун ёзмоқ керак, қай тарзда ёзмоқ керак?» деган масала ўз аҳамиятини йўқотмаган эди.

Вьетнам меҳнаткашлар партияси ёзувчиларга ёрдам бериш мақсадида уларга янги ғояларни давом этдириш билан бир қаторда миллий анъаналарнинг энг яхши намуналаридан фойдаланишни маслаҳат бердилар.

Вьетнам адиблари миллий классикларнинг қимматли асарларини ўқиш билан бир қаторда Хитой адабиётларини ҳам қунт билан ўргана бошладилар. Буларининг ҳаммаси Вьетнам ёзувчиларига ўз ижодларида натурализм ва схематизмга чек қўйиб, халққа тушунарли бўлган ҳақиқий бадиий адабиётлар яратишда ёрдам берди.

1954 йилдан сўнг вьетнам прозасида турли жанрлар ривож топди, хусусан новелла, повесть, роман такомиллашуви бўлди. Ёзувчилар ижодида сермахсуллик кузатилди.

Замонавий прозада ўзининг долзарблиги, янги инсоннинг ўсиши, ҳаёт ва курашни аниқ ифодалаши билан ҳикоя жанри устун келди. Бунга азалдан Вьетнамда ҳикоялар кўп асрлик анъанага эга эканлиги ҳам асос бўлди. «Холамнинг пишириғи» китобига ёзилган сўз бошида. Д.Деопик ва М. Ткачев шундай ёзганлар: «Вьетнамнинг энг зўр ҳикоянавислари уруш мактабидан ўтиб, диққатларини ҳаётӣй фактлар, аниқликларга қаратдилар. Вьетнам адабиётига психологик анализ ва юмшоқ, лирик тусдаги ёзиш пайдо бўлди»⁵³.

Аммо шаклланиётган вьетнам новелласида ўтмиш, жумладан, тарихий миллий озодлик кураш кундаликлари ўчмас из қолдирганлиги, қарши уруш, одамлар ҳаётига, уларнинг тақдирларига 50-йилларда таъсир қилиб келаётганини кўрсатиб ўтади.

Ёш ёзувчи Тяу Зиен «Дот» ҳикоясида мана шундай қаҳрамонни тасвирлайди. Халқ армияси собиқ командири «қария» Нам Фу-куок оролидаги қамокдан сўнг қадди букилган, синиқ одамга айланади. Уруш уни ўз яқинлари, қишлоқдошлари ва қизидан айирди. Уруш вақтида Нам (ҳатто) ўз қизини кўриш учун таваккал қилишга ҳам тайёр эди. У одамлар олдидан кетиб, бир ўзи ташландиқ француз дотида яшайди – бундай жойларни ҳанузгача Вьетнамда учратиш мумкин. Бу ерда уни собиқ урушдаги дўсти учратади ва қишлоқ ёшлари билан бирга Намга меҳнат фронти сафига туриб, одамларга кўшилишига ёрдам беради.

Шундай қилиб, ҳикояларда Қаршилиқ уруши мавзуси давом этилди. Вақт оралиғи урушнинг айрим тарафларини янгича кўриш имкониятини беради. Машҳур журналист У.Берчетт⁵⁴, Вьетнам жанубига урушга ўзларини урган америка генералларига қарата Вьетнамнинг музейларини кўриб чиқиш зарар қилмаслигини айтиб ўтган, чунки у музей вьетнам курашчиларининг Дьен-бьенфуда 1954 йил майдаги француз

⁵³ Литература Востока в новейшее время. М., изд.Московского университета 1977. Б.505

⁵⁴ Избранные произведения писателей Юго-Восточной Азии. М., «Худ.лит.» 1981. Б. 98

мустамлакачилари устидан ғалабалари ҳақида сўзларди. Ундан ташқари истеъдодли мусаввир Р. Кармен яратган расмлари ҳам бўлиб⁵⁵, унда тоғнинг узун йўлида чексиз ҳарбий асирлар колоннаси кетаётгани тасвирланган. Асирлар орасида қаеридадир генерал де Кастри – Дьен-бьен-фу районнинг собиқ бошқарувчиси кетмоқда. Айнан шу ҳолат Нгуен Динь Тхининг «Асир негр» ҳикоясида акс этган⁵⁶.

Нгуен Динь Тхининг «Асир негр» ҳикоясида ҳам де Кастри ҳикоянинг бош қаҳрамони бўлиб қолди ва унинг образи қари денщик-негр образини суриб чиқарди. Ҳикояда де Кастри – мустамлакачи, лекин асарда икки ҳарбий асирлар – генерал ва унинг деншиги (хизматчиси) орасида яқинлик пайдо бўлади.

Ёзувчи Нгуен Нгаук (1932 йилда туғилган) эса бошқа мавзуга мурожаат қилди. У «Баланд тоғларда»⁵⁷ («Нео као», 1961) номли тўпламидаги ҳикояларида ўз қаҳрамонларининг гўзал ва содда инсоний туйғуларини очади. Тўплам билан бир хил номли ҳикоясида қари инқилобчи-курашчи Кам образи лирик тусда тасвирланган бўлиб, у ўзини ҳамма нарсага масъул деб билади. Уни ҳаётни шоирона тушуниши ўзига хосдир. Фикримизнинг исботи сифатида ҳикоядаги айрим эпизодларга эътибор қаратсак:

Cam trưởng ở trong làng và một ông sư cùng phải lòng người ấy. Hai ông ganh nhau ve vãn mãi, cũng không được; cho nên lại càng theo đuổi riết. Hễ gặp thì nói ghẹo, nói cợt. Đi đâu cũng theo đi đấy. Người đàn bà góa tức lắm, lập mưu để mà trừ hai cái nợ ấy đi; nhất là bác thầy tu tệ quá. Một hôm, chị ta cho người nhà đến bạch với sư ông rằng. Sư ông đã có bụng thương yêu đến, thì cô tôi cũng xin vâng. Vậy tối hôm nay, đầu trống canh hai, mời sư ông lại chơi; mà sư ông có lại, thì Người lấy ít vôi bôi lên đầu, rồi đến ngồi ở

⁵⁵ Избранные произведения писателей Юго-Восточной Азии. М., «Худ.лит.» 1981. Б.98

⁵⁶ “Ҳорижий адабиёт” №6, 1966 йил (вьетнам тилида) Ханой

⁵⁷ Van hoc cac dan toc thieu so viet nam– Ha noi 1981 Б. 45

*cạnh cửa; có ai thấy, tưởng là con chó đá, thì không nghĩ ngờ gì cả. Tự khắc rồi có người ra đón sư ông vào.*⁵⁸

«Кам уни (ўз жиянини) дунёга келганидан буён эсларди, ўшанда у кафтдек келадиган, қондек қип-қизил эди. У ҳатто қирғоқ бўйидаги дарахтдан ҳам тезроқ ўсди. Унинг шундай тез ўсишига нима куч берди, деб ўйлаб қоласиз. Кам узоқдаги манзилга бориб келгунча, бола уч ойлик чўчқачадан ҳам ўсиб кетибди. Шоли экдилар, у сут шарбати билан сугорилгунча болакай бошини тик қўя олди. Шоли пиша бошлаганда, бола ўтира оларди. Ҳосил йигиб олинаётганда у оёғига турган. Шундан буён Кам унинг ёшини ёмғирлар фасл, вақтига қараб ҳисоблар эди.

Нгуен Нгаук ҳикояларида воқеа, ташқи ҳаракат иккинчи ўринга, қаҳрамонларнинг ҳислари ва хаёллари биринчи ўринда туради⁵⁹.

Буй Хиеннинг «Кичкинтой Тининг биринчи иш куни» («Нгай конг дау тнен нуа ку Ти») ҳикояси ҳам лирик тус олган ва майин юмор билан ёзилган. Болакай Ти учун беғам кунлари тугайди: энди далада ишлайдиган опаси Миеу ўрнига унга буйвол боласини ўтлатиш топширилади. Унинг зиммасида: буйволни экинларни еб қўйишга йўл қўймаслик ва бошқа юмушлар бор эди.

*Hễ ông có lại, thì ông mang cái tay thước đi, giả làm đi tuần, để cho người ta khỏi nghĩ. Đến cửa có con chó đá, ông cứ gõ một cái rõ mạnh vào đầu nó, ở trong nhà nghe thấy, sẽ ra mở cửa mời ông vào. Xin ông cứ y như thế cho*⁶⁰

«Иштонини қўтарганча, Ти буйвол боласини чегарали сўқмоғи бўйлаб бошлаб борарди. Катта пальма баргларида қилинган иляпа кийган кичик жусса узоқдан кўзиқоринга ўхшар эди. Буйвол боласи унинг ортидан нотекис сўқмоқ бўйлаб юриб борарди»

⁵⁸ Ўша асар 45-бет

⁵⁹ Van hoc cac dan toc thieu so viet nam— Ha noi 1981. Б.70

⁶⁰ Van hoc cac dan toc thieu so viet nam— Ha noi 1981. Б.65

Ўша даврнинг кўзга кўринган ҳикоянависларидан яна бири Нгуен Дить Зунг қишлоқнинг ўзгаришларини ёритувчи ёзувчи сифатида машҳур эди. Унинг «Икки хотинлик» («Хай вё», 1958) ҳикоясида у бир эски удумлар оғушида яшовчи Нянинг оилавий ҳаёти ёзилади. ўша давр одатига кўра у 2 хотинга уйланади. Бу аҳмоқона одат оиладаги туганмас тўқнашувларга сабаб бўлган. Бу тўғридаги ҳикояни таҳлил қилиб, танқидчи Фаунг Ле ёзган: «Атрофда вақти вақти билан бирданига ҳамманинг эътиборини тортиб шовқинли тўпалон ва жанжаллар эшитилар эди, оқибатида қон тўкилиб, бошлар ёрилган, бу ҳолат, олдин, одатий бўлган бўлиб, - ҳозир ҳам булар якун топган деб бўлмайди»⁶¹.

Уччовлон - Ня ва унинг икки хотини – аслида ёмон инсонлар эмас, уларнинг оилавий келишмовчиликларига қонуан тақиқланган, лекин ҳали мавжуд икки хотин олиш одати сабаб бўлган.

Ўша даврнинг яна бир атоқли ёзувчиси Нгуен Минь Тяунинг «Дарё дарвозаси» («Кыа шонг», 1967) ҳикоясида эса мазкур келишмовчиликлар ҳал қилиниши сохта кўринади: Суронли уруш йилларида, уезд парткоми котиби оиласида тинчлик ўрнатилади. Улар онгли равишда ўсгани сабабли оилада тинчлик ўрнатадилар.

Нгуен Дить Зунгни Шарқ аёллари тақдири учун муҳим муаммо – патриархал жамиятнинг эскириб қолган анъаналари билан кураш ва эскича қарашга қаршилик муаммосини жалб этган. «Хотин» («Нгыой вё»)⁶² ҳикояси қаҳрамонлари бу эр-хотинлар. Иккаласи ҳам жамиятнинг қуйи синфи ишчилари. Хотиннинг иши юришган, эрининг ишлари эса силлиқ эмас, шунинг учун унинг жаҳли чиқади. У хотини билан аёл ошхонада улгурмаётгани, болаларга ва молларга қарай олмаётганини баҳона қилиб жанжаллашади. Газетада хотиннинг мактовлар остида

⁶¹ “Ҳорижий адабиёт” №6, 1966 йил (вьетнам тилида) Ханой

⁶² Литература Востока в новейшее время. М., изд. Московского университета 1977. Б.508

чиққан сурати билан бирга унинг «қолоқ эр сифатида» эслатилганлиги ҳам эрини нафратга тўлиб тошишига сабаб бўлади.

Хотинининг тушунтиришлари тарсак билан якунланади, тўғри шу заҳоти ҳовуридан тушган эр кечирим сўрайди. Муаллиф ушбу ҳикоясини якунини гўзал моҳирона чизгилар билан якунлаган. Зеро, ушбу ҳикояни ўқиган ўқувчида бу оилада ҳали бахтли турмуш бўлишига, ҳамма нарса ўз ўрнига тушуб кетишига ишонч пайдо бўлади.

Вьетнам ҳикоячилигида одамлар орасидаги беғаразликка эътибор қаратилади. Мана шу каби инсоний алоқаларнинг мустаҳкамлигини синаш ҳақида ёзувчи Нгуен Тхе Фьонгнинг «Қадрдон дўст»⁶³ («Бан ку», 1962) ҳикоясида баён қилинади:

Урушдан сўнг икки собиқ аскарлар учрашиб қолади: улардан бири пойтахтда юқори лавозимга эришган, иккинчиси эса қишлоқда қолиб қишлоқ хўжалик кооперативида меҳнат қилади. Ёзувчи оддий деҳқоннинг юксак инсоний сифатларини ифодалайди. Юқори лавозимдаги дўст ундан қандайдир «илтимос»ни кутади, масалан, Ханойда уни қаергадир «ёғли» жойга ўтқазишни. Албатта, бу қийин эмасди, лекин... Деҳқон оғиз очиши билан, дўсти айёрлик қилиб уни чалғитади ва илтимос эсдан чиқарилади. Кетиш олдидангина деҳқон эслайди: у яқинроқдаги дорихонага бориш йўлини сўрамоқчи эди... Соддадил одам жўнаб кетади ва дўстининг бу қилмишини англаб ҳам етмайди. Лекин бўлган воқеани дўстининг аёли уят ва афсуслик билан кўради.⁶⁴

Гувоҳи бўлганимиздек, XX асрнинг 50-60 йилларда яратилган ҳикоя ва новеллаларнинг мавзулар кўлами ўзгача кўринишларда намоён бўлган.

Кейинчалик, Вьетнам замонавий ҳикоя усталари жамият ҳаётидаги муҳим саволларга мурожаат қиладилар. Ўша Вьетнамга қарши АҚШнинг ҳаво уруши, табиийки, ҳикоя жанрида ўз аксини топади.

⁶³ Карпов В. Творчество То Хыу- «Современный восток», 1958 №9 Б.15

⁶⁴ Карпов В. Творчество То Хыу- «Современный восток», 1958 №9 Б.16

Жумладан, То Хойанинг «Шаҳар атрофидаги одам» («Нгыой вен тхань», 1968) ҳикоясида оддий деҳқон оиласида қаҳрамонлик анъаналари мавжуд бўлиб, улар қария Донинг буvasи ҳам Вьетнамга бостириб келган душманларга қарши курашган. Қария До эса Қаршилиқ урушида айёрлик билан хийла ишлатиб, жанг дотини портлатган. Энди қария До “ёввойи қушчани” - америкалик учувчини йиқилиб тушган самолётидан тутиб олди⁶⁵. То Хойанинг айнан ушбу ҳикоясини биз XX аср реализмининг қаҳрамонлик чизиғи остида ёзилган асар деб айта оламиз.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шу айтишимиз мумкинки, урушдан кейинги илк йиллардан вьетнам ёзувчилари ўз эътиборларини образларнинг чуқур қайта ишланишига қаратганлар. Инсон энди бутун дунёни англаши тасаввурнинг муҳим принципига айланган эди.

III БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

Вьетнамда “Қаршилиқ” урушининг дастлабки йиллари янги типдаги ҳикояларнинг устунлик йиллари эди.

Ўша давр Вьетнамнинг машҳур ва маълум ёзувчилари билан бир қаторда адабиёт майдонига эндигина кириб келган ёшларнинг ҳам ижодлари кўзга ташланар эди. Ёзувчилар яратган ҳикояларнинг кўпи “Қаршилиқ кураши” мавзусига қаратилган бўлиб, уларда Вьетнам воқелигининг ранг-баранг манзаралари тасвирланган. Ҳикояларда биз қишлоқни ҳам, шаҳарни ҳам, армия ҳаётини ҳам кўз олдимишга келтира оламиз. Шунингдек, ўша даврнинг муҳим ва асосий мавзуси—халқнинг миллий озодлик учун, янги озод демократик давлат учун бўлган курашлар ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қила оламиз.

Қадимги “Жануб мамлакати” деб юритиладиган ерда тинчлик ўрнатиш билан Вьетнам халқи ўз тараққиётида янги даврга кирди. Халқ

⁶⁵ Карпов В. Творчество То Хыу- «Современный восток», 1958 №9 Б.15

хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришдек қаҳрамонона меҳнат билан шуғулланиш натижасида дастлабки салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Давлат қурулиши ва иқтисодиётиси билан бир каторда маданият соҳасида эришилган муваффақият дунёдаги барча тинчликсевар халқларни шодлантирди ва хайратда қолдирди.

ХУЛОСА

XX аср адабиёти жаҳон миқёсида адабий йўналишларнинг алмашинуви ва янгиланиши билан характерланади. Адабий жараён сифат жиҳатидан юқори поғонага кўтарилиб, бадий адабиётда воқеълик хилма-хил тарзда намоён бўла бошлади. Шахс ва олам мавзусини кўлами кенгайиб, унга турфа ракурслардан ёндашиш ўзини намоён этди. Замонавий адабиётда турли хил йўналишлар паралел равишда, бири иккинчисини тўлдирган ҳолда фаолият кўрсата бошлади.

Жаҳон адабиётида содир бўлган кескин ўзгаришлар миллий адабиётлар ривожига ҳам катта таъсир ўтказди. Жумладан, янги давр Вьетнам адабиёти ҳам жаҳон адабий жараёнида бевосита иштирок этиб, замон талаблари доирасидаги янгиликлар ва ўзгаришларни ўзида намоён этди. Шу билан бирга тараққиётнинг янги поғонасига кўтарилди.

Тадқиқотнинг асосий вазифаси Вьетнам адабиётидаги тарихий адабий муҳитни ёритиб бериш орқали, янги давр вьетнам ҳикоянавислигининг шаклланиш ва ривожланиши, янги типдаги ҳикояларнинг ўзига ҳослиги ва мавзулар кўлами, Ғарбдан кириб келган янгича тенденцияларнинг мослашиш жараёни ва амалий натижаларини очиқ беришдан иборатдир.

XX асрда янги давр Вьетнам адабиёти Ғарб адабиёти кечиб ўтган тараққиёт йўлини қисқа муддат оралиғида босиб ўтди. Маърифатпарварлик мафкуралари билан ҳамоҳанг равишда бошқа йўналишлар ҳам шакллана борди. Бу даврда матбуотнинг аҳамияти кучайиб, у Шарқнинг Ғабр билан бўлган муносабатларига ижобий таъсир кўрсатди. Таржималар сони кўпайиб, жаҳон адабиёти дурдоналари билан танишув ишлари тезкорлик билан амалга оширилди. Адабиётнинг анъанавий жанрлари ўз ўрнини янги – ҳикоя, роман, драма жанрларига бўшатиб берди.

XX аср бошида ишчилар синфи ва миллий буржуазиянинг пайдо бўлиши, Вьетнамда француз мустамлакачилар сиёсати жадаллик билан ўтказилиши, миллий-озодлик ҳаракатининг кучайиши, янги партиялар ташкил топиши, барча тарихий шарт-шароитлар вьетнам адабиётига сезиларли таъсир кўрсатган эди.

Бу мураккаб сиёсий-ижтимоий жараёнлар Вьетнам адабиётини мазмунан ўзгартириб юборди ва янги шаклларни яратилишига туртки бўлди. Ўқувчиларнинг дидлари доираси ҳам ўзгариб, эндиликда улар янгиликларга интила бошладилар.

Вьетнам адабиётининг халқаро алоқалар характери ҳам ўзгарди. Авваллари адабиёт фақат кўшни давлатлар билан боғланиб ривожланган бўлса, эндиликда жаҳон адабиёти билан танишиш жараёни бошланди, айниқса француз адабиётига йўналтирилган ва ундан таъсирланганлиги яққол кўзга ташланади.

Вьетнам тилининг дастлабки адабиётида деярли бадиий проза бўлмаган. XX асрнинг бошларига келиб эса Вьетнамда жуда тезлик билан замонавий жанрлар вужудга келди. Анъанавий жанрлар йўқ бўлиб кета бошлади ва ҳикояли дostonлар ўрнига янги типдаги ҳикоя пайдо бўлди.

Янги типдаги ҳикоялар анъанавий ҳикоядан анча фарқ қилган ҳолда, тўқима ўрнига кундалик ҳаётга идрокли қараш, мўъжиза ва эврилишлар ўрнига ҳақиқий воқеаликни тасвирлаш каби жиҳатлар кириб келди.

Шунингдек, XX аср бошларида вьетнам ҳикоянавислигида услуб ва тилдаги аниқлик, лўндаликни кузатишимиз мумкин. Оғир, мураккаб конструкциялар, тушунарсиз конфуциалик иборалардан, китоизмлар ва архаизмлардан қутилишга ҳаракат қилган ёзувчилар аниқ ва равшан насрни ярата бошладилар.

Вьетнам ҳикоянавислиги ўз ривожланиш йўлининг илк даврида, яъни XX асрнинг 20-30 йилларида ўзига хос кўринишдаги романтик йўналишни тараққий этди. Атроф-муҳитдаги адолатсиз ҳаётдан норози

бўлиб, орзу-умидлари поймол бўлган халқ оммаси тушунлик кайфиятига тушиб қолади ва ана шундай руҳий тушкун кайфият вьетнам романтик ёзувчилари ижодида ўз аксини топади. Аммо, эътиборга молик жиҳати шундаки, вьетнам романтизм йўналиши Европа романтизм йўналишидан анча фарқ қилар эди. Ушбу йўналишда яратилган ҳикояларнинг аксарият қисмида ҳаётни бўрттириб кўрсатишга бўлган интилишлар яққол кўзга ташланади. Қолаверса, романтиклар учун севимли мавзу “европаликлар ҳаёт тарзи”ни тарғиб қилиш ҳам шулар жумласидандир.

Вьетнам ҳикоянавислиги XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб реализм босқичини босиб ўтди. Реалистик ҳикоялар композицион нуқтаи назардан раво ва уйғун ҳолатга келди. Бу йўналиш турли тушкунлик оқимларига қарши курашда ривожланди, шаклланди ва мустаҳкамланди.

Вьетнам реалистик ҳикояларининг шаклланишида умумий жараёнларнинг муҳим қисми - вьетнам адабиётида дехқон мавзусининг шаклланиши бўлди. Зеро, Вьетнам реалистлари учун шахснинг эмансипация (озод бўлиш) муаммоси жиддий аҳамиятга эга бўлса-да, реалистларнинг ижодида кўпинча олий қатлам жамоалари эмас, асосан оддий меҳнаткаш халқ ҳақида ёзиларди. Айнан реалистларнинг ижодида вьетнам адабиётининг инсонпарварлик анъаналари ва энг аввало бечорачорларга бўлган эътибори ўзининг кетма-кетлик ривожланиш тусини олди. Ушбу реалистик асарларда кўпинча бош қаҳрамон халқдан чиққан оддий инсон бўлди.

Бу давр ёзилган ҳикояларда танқид ва жамиятнинг долзарб муаммоларига эътибор қаратиш кучайиб, шахс ва жамият муносабати янгича талқин этила бошлади.

Шунингдек, реалистик ҳикоялар инсон ҳаётининг барча қирраларини ўзида қамраб олиб, турли-туман мавзуларни ўзида намоён эта бошлади.

Вьетнам сиёсий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар янги давр вьетнам адабиётига ҳам таъсир этди. Улар, ўз навбатида, ҳам ички, ҳам ташқи омиллар билан амалга ошди. Ғарб адабиётини ўзлаштириш, ижтимоий мавзуларни четга суриш, тушкун кайфият кабилар ички омилни ташкил қилса, вьетнам адабиётининг жаҳон адабиёти билан ўзаро боғлиқ ҳолда такомиллашуви, жаҳон адабий жараёнидаги ривожланишларнинг янги давр вьетнам адабиёти, хусусан, ҳикоянавислигига кўрсатган таъсири, мавзулар доирасининг кенгайиши ва оламга фалсафий қарашлар ила назар ташлаш ва бадиий-ифода воситаларининг янгиланиши каби ҳоллар ташқи омил қаралди. Жумладан, “Қаршилик уруши” йилларида дунёга келган ҳикоялар алоҳида аҳамият касб этади.

Вьетнам ҳалқининг Қаршилик уруши (1946-1954) - француз мустамлакачиларга қарши, озодлик ва мустақиллик учун кураши, ёш вьетнам адабиётига ҳақиқий мактаб бўлиб, янгиликни излаш ва новаторлик билан ажралиб турар эди. Бу пайтдаги адабиёт, олдин деярли саводсиз бўлган ҳалқнинг бойлигига айланди.

Шу давридаги вьетнам адабиёти янги мавзулар ва янги қаҳрамонлар билан бойибгина қолмай, ҳаётни тасдиқловчи аниқ тарихий истиқболининг хурсандчилик уфқларига олиб келувчи мавзулар билан, кўпинча чуқур драматизм билан мувофиқ бўлади, чунки фожиа ва қаҳрамонлик кўпинча бўлинмас бўлади. Инқилобга қадар бўлган кўп ёзувчиларга хос ишончсизликлари, ноумидсизликлари, чарчашлари ўтмишда қолиб кетган эди. Айнан юқорида саналиб ўтилган жиҳатлар ўша даврнинг янги типдаги ҳикояларининг ўзига хослиги, мавзулар кўламининг янада бойишига ҳамда ҳикояларда янгилик пайдо бўлишига туртки бўлди.

Ўша давр Вьетнамнинг машҳур ва маълум ёзувчилари билан бир каторда адабиёт майдонига эндиgina кириб келган ёшларнинг ҳам ижодлари кўзга ташланар эди. Ёзувчилар яратган ҳикояларнинг кўпи “Қаршилик

кураши” мавзусига қаратилган бўлиб, уларда Вьетнам воқелигининг ранг-баранг манзаралари тасвирланган. Ҳикояларда биз қишлоқни ҳам, шаҳарни ҳам, армия ҳаётини ҳам кўз олдимизга келтира оламиз. Шунингдек, ўша даврнинг муҳим ва асосий мавзуси—халқнинг миллий озодлик учун, янги озод демократик давлат учун бўлган курашлар ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қила оламиз.

Қадимги “Жануб мамлакати” деб юритиладиган ерда тинчлик ўрнатиш билан Вьетнам халқи ўз тараққиётида янги даврга кирди. Халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришдек қаҳрамонона меҳнат билан шуғулланиш натижасида дастлабки салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Давлат қурулиши ва иқтисодиёти билан бир каторда маданият соҳасида эришилган мувоффақият дунёдаги барча тинчликсевар халқларни шодлантирди ва хайратда қолдирди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари рўйхати

- 1.1. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - 160 б.
- 1.2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. 1-жилд. -364 б.
- 1.3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998, - 686 б.
- 1.4. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз.. –Т.: Ўзбекистон, 1999. 7-жилд. -410 б.
- 1.5. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 8-жилд. -528 б.
- 1.6. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
- 1.7. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга эътибор. Т.: Ўзбекистон, 2009. -40 б.

II. Вьетнам тилидаги манбалар:

- 2.8. Tong Tap Van Hoc Viet Nam. Nha xuat ban khoa hoc xa hoi – Ha noi, 1980 . - 350 б.
- 2.9. Phan Dang Nhat.: Van hoc cac dan toc thieu so viet nam– Ha noi, 1981. - 275 б.
- 2.10. Truen ngan chon loc //nha xuat ban tac pham moi - Ha noi, 1976. - 466 б.
- 2.11. Van hoc cac dan toc thieu so viet nam – Ha noi, 1959. - 320 б.
- 2.12. Tho van Nguyen Khuyen – Ha noi, 1971. - 478 б.

III. Ўзбек тилидаги адабиётлар:

- 3.13. Адабий турлар ва жанрлар. – Т.: Фан, 1991. 1-жилд. -383 б., 2-жилд. 1992 – 246 б.
- 3.14. Аристотель. Поэтика. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
- 3.15. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002. -558б.
- 3.16. Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб: Услуб муаммосига назарий нигоҳ ва ҳозирги ўзбек насрида услубий изланишлар. –Т.: Фан, 1992. –105 б.
- 3.17. Жўраев Т.С. Онг оқими ва тасвирийлик. Фил.фан.номз. ... дис. Автореф. –Т., 1994. -27 б.
- 3.18. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Т.: Маънавият, 1999.280 б.
- 3.19. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. – Т.: Ёзувчи, 1996. – 272 б.
- 3.20. Кулгули кўз ёшлар. Сурия, Ливан, Иордания ёзувчиларининг ҳикоялари. Тўплам. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. – 158 б.
- 3.21. Мустақиллик даври адабиёти. Адабиё-танқидий мақолалар, бадиалар. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. - 28 б.
- 3.22. Мухиддинов М.Қ. Адабий анъана ва ижодий ўзига хослик. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 88 б.
- 3.23. Норматов У. Қалб инқилоби. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабий ва санъат нашриёти, 1986. – 351 б.
- 3.24. Носиров Ў.Н. Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи. – Т.: Фан, 1981. – 200 б.
- 3.25. Носиров Ў.Н. Образларда услуб жиолари. –Т.: Фан, 1991. –196 б.
- 3.26. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: Ўзбекистон, 1997. -415 б.

- 3.27. Султонова М. Пейзаж санъати. –Т.: Фан, 1983. – 87 б.
- 3.28. Султон Иззат. Адабиёт назарияси. 2 жилдли. – Т.: Фан, 1979.
- 3.29. Умуркулов Б. Бадиий адабиётда сўз. – Т.: Фан, 1993. – 132 б.
- 3.30. Умиров Х. Адабиётшунослик назарияси. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. – 262 б.
- 3.31. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Иқтисод-молия. 2007. – 304 б.
- 3.32. Шарқ филологияси тугун ва ечимлари. – Т.: ТошДШИ, 2006. - 244 б.
- 3.33. Шарқшунос олима аёлларнинг илмий тўплами. – Т.: ТошДШИ, 2007. 1-қисм. -156 б.
- 3.34. Қўшжонов М. Ҳаёт ва мезон. – Т., 1974. -156 б.
- 3.35. Қуронов Д. ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. Т.: Академнашр, 2010 – 304 б.
- 3.36. Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – 256 б.
- 3.37. Хўжаева Р.У. Янги давр араб адабиёти тарихида маърифатпарварлик жараёни. –Т., 1999. - 53 б.
- 3.38. Хўжаева Р.У. Янги давр араб адабиёти тарихи (1-қисм). – Т.: Тош ДШИ, 2004. – Б.17.
- 3.39. Хўжаева Раъно. Миср аёлининг кечаги ва бугунги куни. Шарқшунос олима аёлларнинг илмий тўплами. Т., 2007. – Б.3.
- 3.40. Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати (бадиий маҳорат ва тил ҳақида молоҳазалар). : Фан, 1962
- 3.41. Шомусаров Ш.Г. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили. Фил.ф. докт ... дисс. Автореф. – Т.: ТошДШИ, 1997. – 49б.

IV. Рус тилидаги адабиётлар:

- 4.42. Белокурова С.П. Словарь литературоведческих терминов.

- 4.43. Дололина А.А. Очерки истории арабской литературы нового времени. Просветительский роман. 1870-1914. –М.: Наука, 1973. -272 с.
- 4.44. Вопросы литературы// Журнал, 1988. 288 с.
- 4.45. Вьетнамско-русский словарь. М.: «Русский язык», 1992.
- 4.46. Зимонина И.П. О просветительских тенденциях во вьетнамской новелле начала XXв –В кн.: Просветительство в литературах Востока. М., «Наука», 1973
- 4.47. Избранные произведения писателей Юго-Восточной Азии. М., «Худ.лит.» 1981. Б. 98
- 4.48. Карпов В. Творчество То Хыу - «Современный восток», 1958 №9. Б.56
- 4.49. Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. В 6-ти т. – М.-Л. Т.3. 1956. – 471 с.
- 4.50. Крупчанова Л.М. Введение в литературоведение. – М.: ОНИКС, 2005. – 415 с.
- 4.51. Литература Востока в новейшее время. изд. Московского университета 1977. 550 с.
- 4.52. Литература и фольклор народов Востока. – М.: Наука, 1967. - 267 с.
- 4.53. Мухтаров Т.А., Ходжаева Р.У. Традиция и современность. – Т., 1999. – 169 с.
- 4.54. Мухтаров Т.А., Ходжаева Р.У. Традиция и современность. –Т., 1999. – 169 с.
- 4.55. Никулин И.Н., Вьетнамская литература. М.: Наука, 1971. 650 с.
- 4.56. Никулин И.Н., Вьетнамская литература. М.: Наука, 1971. 530 с.
- 4.57. Пустовойт П.Г. Слово и стиль в создании образности. // Вестник Московского университета. Серия 9 – филология. М.: 2002. -№ 3, - С. 21-28.
- 4.58. Рассказы вьетнамских писателей. Изд.Москва 1960. 130 с.

- 4.59. Русско – вьетнамский словарь. М.: «Русский язык», 1992.
- 4.60. Теория литературы. Литературный процесс. В 4-х т. – М.: ИМЛИ РАН, - С.21-28.
- 4.61. Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: “Высшая школа”, 2000. – 374 с.

V. Интернет сайтлари:

1. www.wattped.com
2. www.vietnamise.com
3. www.facebook.com
4. www.thegioi.vn